Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 9 сентябрь 1973 йил, якшанба ✦ № 213 (15.637). ✦ Баҳоси 2 тийин.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишга Урганч районининг пахтакорлари областда биринчи бўлиб киришдилар. Юқори ҳосилли Ленин номли колхозининг дала меҳнаткашлари бу йилги мавсумда 1191 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилишган. Суратда: шу колхозининг илғор теримчиси Уғилжон Рўзметова. У кунига 90-100 килограммдан пахта термоқда.

Қ. Отаев фотоси, (ЎзТАГ).

ҒАЛАБА ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ТУРАҚУРҒОН. Калинин номли колхозининг Эркин Эргашев бошлиқ пахтачилик бригадаси аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, юқори ҳосил етиштирдилар ва хўжаликда пахта теримини биринчи бўлиб бошладилар. Шу кунгача ҳар гектар майдондан салкам 20 центнердан хирмон кўтариб, йиллик планни бажардилар. Бригада аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

ҒУЗОР. Рўзмат Турдиев раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорлари Карл Маркс номли колхозда биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чектилар. Ҳар гектар майдондан 20 центнердан зиёд ҳосил олинди. Бригада энг қисқа фурсатда маррага етди. Ленин далаларда ҳали ҳосил кўп. Бу йил 50 центнерлик марра кўзланмоқда.

ҚОРАКУЛ. «Октябрь» колхозининг Раъно Собирова бошлиқ бригадасида пахта терими соат сайин кучайтирилмоқда. Ҳалол меҳнат ўз самарасини кўрсатаётир. Бригада йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Гектаридан 25 центнердан ҳосил олинди. Яна 15 центнердан хирмон кўтариш мажбурияти қабул қилинди.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

МИЛЛИЙ БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар миллий байрам — Болгарияда социалистик революциянинг 29 йиллиги муносабати билан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Тодор Живковга, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Станко Тодоровга табрик телеграммаси йўллардилар.

Телеграммада бундай дейилади: Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашлари ўзининг синалган авангарди — Болгария Коммунистик партияси раҳбарлигида социалистик қурилишнинг барча соҳаларида эришган муваффақиятлар совет кишиларини гоят қувонтиради.

Болгария Халқ Республикаси ўзининг социалистик иттифоқчилари билан биргаликда, деб таъкидланади телеграммада, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципларини қарор топтириш учун, Европани тинчлик ва яхши қўшничилик ҳамкорлиги қитъасига айлантириш учун, жаҳонда кескинликни юмшатиш жараёнини янада кучайтириш учун актив ва изчиллик билан кураш олиб бормоқда.

Совет — Болгар бузилмас дўстлигини оғишмай ривожлантириш ва кучайтиришга Совет Иттифоқи катта аҳамият бермоқда.

Социалистик ҳамдўстликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, халқаро сиёсатга доир барча масалаларда КПСС билан БКПнинг қарашлари тамомила бир хил эканлигига совет раҳбарлари юксак баҳо бермоқдалар.

(ТАСС).

КХДР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси Президенти ўртоқ Ким Ир Сен ва Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий Кенгашининг Бош министри ўртоқ Ким Ир номига телеграмма йўллаб, миллий байрам — Корея Халқ Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 25 йиллиги билан республиканинг барча меҳнаткашларини қутладилар.

1948 йилнинг сентябрида мамлакат тарихида биринчи чинакам Демократик Корея давлати — Корея Халқ Демократик Республикаси эълон қилинганлиги, дейилади телеграммада, корейс халқи ўзининг жангговар авангарди — Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида узоқ давом этган қаҳрамонона курашда қўлга киритган катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ғалабадир.

Корея Халқ Демократик Республикаси ўтган чорак аср мобайнида демократик ислоҳотларнинг, ўз озодлиги ва мустақиллигини империалистик агрессиядан ҳимоя қилиш учун, янги социалистик муносабатларни қарор топтириш учун олиб борилган жангларнинг машаққатли ва шонли йўлини босиб ўтди. У ана шу курашда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг доимий интернационал синфий бирдамлигига таянди.

Совет кишилари Корея Меҳнат партияси, КХДР ҳукумати ва бутун корейс халқининг шимол билан жануб ўртасидаги ҳарбий конфронтацияни тугатишга эришиш ҳамда тинч демократик асосда мамлакатни миллий бирлаштириш учун шарт-шароитларни таъминлаш йўлида доимо сарфлаётган кучғайратларига чуқур ҳайрихоҳлик билдирадилар.

Совет ва корейс халқларини биргаликда олиб борилган революцион кураш ва маҳкам ҳамкорлик жараёнида қарор топган традицион дўстлик алоқалари боғлаб турибди. Совет Иттифоқининг раҳбарлари ана шу муносабатлар марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм негизида Совет Иттифоқи билан КХДР халқлари ҳамда бутун социалистик ҳамдўстлик халқлари манфаатларини қўлдаб бундан буён ҳам кенгайиб боради ва янги мазмун билан бойийди, деб қатъий ишонч билдирдилар. Совет раҳбарлари социалистик қурилишда ва Кореядаги вазиятни нормаллаштириш ҳамда мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш юзасидан белгиланган программани амалга оширишда барча қадош корейс халқига янги муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ЖАСОРАТ КЎРСАТАЙЛИК

Тўлан ДАДАЖОНОВ:

МЕН БУ ЙИЛ 900 ТОННА ПАХТА ТЕРМОҚЧИМАН. СИЗ-Чи?

Касбим — механизатор. Комплекс механизациялашган пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Донгдор механизаторларимиз Аҳмаджон Валиев ва Обиджон Акбаровни яхши биламан. Улар сўз бериб устидан чиқадиган, ваъда қилиб бажарадиган йигитлар. Бу йил мавсумда машиналарда 900 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган эканлар, уларга катта муваффақиятлар тилайман.

Республикамиз механик-ҳайдовчиларининг мамлакатимиз барча пахтакорларига ёзган ва КПСС Марказий Комитети маъқуллаган мактуби барча механизаторларимиз каби мени ҳам янги ғалабаларга чорлади. Мавсумда машинада 900 тонна пахта териш мажбуриятини олиб, социалистик мусобақага қўшиламан.

Биз, механизаторлар мусобақани қудратли куч деб биламиз. Бировлар ўртача, бировлар яхши ишлайди. Мусобақадан мақсад— ўртача ишлаётганларни ҳам, яхши ишлаётганларни ҳам аъло даражада ишлаётганлар билан тенглаштириб, яппи юксалишга эришишдан иборат. Бунинг учун ҳаммамиз баравар жонбозлик билан меҳнат қилишимиз керак. Баъзан социалистик мусобақа шартномаси тузилади, имзолар қўйилади. Лекин унинг ижроси текшириб борилмайди, кимлар олдинда бораётгани, кимлар орқада қолаётгани билан етарли қизиқилмайди. Лўнда қилиб айтганда, социалистик мусобақа расмият тусига кириб қолади. Бу йил бунга йўл қўймаслигимиз керак.

Мен зиммага олган мажбуриятимни бажариш учун нималар қилмоқчиман? Кўсакларнинг 55-60 процента очилганда машина теримини бошлайман. Бу кезда ғўзаларнинг барги тўкилиб бўлади. Дастлабки кунларда бункердан 7-10 тонна пахта тўкаман. Сўнгра 18-20 тонналик марраги эгаллайман. Ниҳоят, терим роса қизиган кунларда иш унумини 35-40 тоннага чиқараман. Терган пахтамнинг ҳаммасини юқори сортга топшираман. Совхозимизда дефолиация тугалланяпти. Яқин кунларда машинамни пахтазорга киритаман.

Тўлан ДАДАЖОНОВ,
Дўстлик районидаги Ленин номли совхозининг механик-ҳайдовчиси.

МАШИНАНИНГ ҚУДРАТИ

Жиянқул РУСТАМОВ:

МУСОБАҚАГА ҚЎШИЛАМАН, МАШИНАМДА 910 ТОННА ПАХТА ТЕРАМАН

Сирдарёлик механизатор Аҳмаджон Валиев ва андижонлик механизатор Обиджон Акбаровнинг мавсумда машиналарда 900 тоннадан пахта териш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини тўла маъқуллайман. Шундай замонда яшаяпмизки, ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан ва асосан механизаторларнинг бунёдкорлик меҳнатига боғлиқ бўлиб қолди. Биз яхши ишласак пахта кўпаяди, ёмон ишласак пахта терим чўзилиб кетади, ҳосил чўнгга путур етади. Касбимизга доғ туширмаслик учун ҳалол меҳнат қилиб, **бу йил республикамиз бўйича 2 миллион 500 минг тонна пахтани машиналарда теришга эришайлик!**

Мен ҳам республика механизаторларининг мусобақасига қўшилдим. Мавсумда 910 тонна пахта теришга сўз бердим. Ҳозир сўзимнинг устидан чиқиш учун курашяпман. Шу кунгача қариб 150 тонна пахта тердим. Бу йил ҳосил юқори бўлди. Дефолиация вақтида сифатли қилиб ўтказдик. Машинам жуда яхши ишлаяпти, ҳали бекор туриб қолган пайтлари бўлмади. Бу ремонт юқори сифатли ўтказилганини кўрсатади, қолаверса, пахта ишқи, социалистик мусобақа мени иш унумини соат сайин ошириб боришга чорламоқда.

Ҳар куни бункерлардан 25-26 тоннадан пахта тўкяпман, лекин бу чегара эмас. Кунлик терим суръатини 35-40 тоннага етказишим керак. Шундагина мажбуриятимни бажара оламан.

Теримда фурсат ғанимат. Биз механизаторлар иш кунининг ҳар соати ва дақиқасидан унумли фойдаланишимиз керак. Шуни ёдда тутайликки, бу йил пахта эрта пишди, теримга барвақт киришдик. Узоғи билан 20-25 иш кунида зиммамизга олган мажбуриятимизни шараф билан бажариш жонажон ишимиздир.

Мен бутун куч-ғайратимни сарф этиб, мавсумда 910 тонна пахта териш ҳақидаги мажбуриятимни албатта бажараман, механизаторлар мусобақасида ғолиб чиқиш учун астойдил курашаман.

Жиянқул РУСТАМОВ,
Шеробод районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз механик-ҳайдовчиси.

БУГУН «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИ МАШИНА ТЕРИМИНИ ОММАВИЙ РАВИШДА БОШЛАБ ЮБОРИШ АРАФАСИДА ТУРИЛГАН ШУ КУНЛАРДА СИРДАРЁЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАРДАН МЕСУТ РЕШИТОВ, ЖАББОР ОҒАЛИЕВ, ОППОҚОЙ РУСТАМОВА, КУВОНДИК АДУРАЗЗОҚОВ, СУРХОНДАРЁЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАРДАН АБДУСАТТОР ҚУРБОНОВ, ОТАМУРОД ХУДОЙНАЗАРОВ, АЛИМУРОД ЕҚУБОВ, САМАРҚАНДЛИК МЕХАНИЗАТОР БОБОШЕР ШАВКИЕВ ЎРТОҚЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ СЎРАЙДИ: СИЗЛАР СИРДАРЕЛИК ВА АНДИЖОНЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАР АҲМАДЖОН ВАЛИЕВ БИЛАН ОБИДЖОН АКБАРОВНИНГ ВА ТАНПАРВАРЛИК ЧАҚИРИҒИГА ҚЎШИЛАСИЗЛАРМИ? МАШИНА ТЕРИМИНИ ҚАЧОН БОШЛАЙСИЗЛАР, МАВСУМДА «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРДА ҚАНЧАДАН ПАХТА ТЕРИБ БЕРАСИЗЛАР?

4.750 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 8 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Қашқадарё	1,67	12,99	0,22	0,25
Сурхондарё	1,16	7,32	0,35	0,92
Андижон	1,25	6,93	0,01	0,01
Бухоро	0,89	6,88	0,05	0,09
Фарғона	0,55	4,85	—	—
Наманган	0,44	2,36	—	—
Хоразм	0,49	1,34	—	—
ҚҚ АССР	0,32	1,22	—	—
Сирдарё	0,06	0,44	—	—
Тошкент	0,05	0,25	—	—
Самарқанд	—	—	—	—
Республика бўйича:	0,61	3,96	0,04	0,10
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,46	10,10		
Қашқадарё	1,17	7,57		
Бухоро	0,05	0,57		
Республика бўйича:	1,24	8,47		

Республика областларида дефолиациянинг бориши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида), учинчи устун — бажарилиш процента.

Сирдарё	111268	57,7
Қашқадарё	31860	45,5
Тошкент	54973	42,3
Андижон	45647	39,7
Бухоро	38024	36,6
Сурхондарё	36070	36,1
Наманган	20327	19,4
ҚҚ АССР	17510	15,9
Фарғона	17111	14,8
Хоразм	10097	14,4
Самарқанд	9888	8,3
Республика бўйича:	392775	31,9

ҚУРИЛИШЛАРГА—ЗАРБДОР СУРЪАТ!

Ўзбекистон ССР қурилиш-монтаж министрликлари ва идоралари 1973 йилнинг 8 ойи мобайнида пудрат қурилиш-монтаж ишлари планини бажарганликлари тўғрисида МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — 8 ойлик планнинг бажарилиш процента, иккинчи устун — 1973 йил 8 ойлик план 1972 йил 8 ойлик планнинг бажарилишига нисбатан процент ҳисобида).

— Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги	107	96
— Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	105	103
— Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	103	112
— Узколхозстрой	102	129
— Узглавводстрой	102	115
— Қишлоқ қурилиши министрлиги	100,7	108
— Главташкентстрой	100,1	100,5
— Қурилиш министрлиги	95	108

Умуман республикада 1973 йилнинг январь — август ойларида 1972 йилнинг январь — август ойларидагига нисбатан давлат марказлаштирилган капитал маблағлари 13 процент кўп ўзлаштирилди, қурилиш-монтаж ишлари 14 процент кўп бажарилди.

Сентябрь — III кварталда ишга туширилаётган объектлар қуриб битказиладиган охирги ой. Саноқли кунлар ичида ана шу объектларда монтаж ва пардозлаш ишларини тугаллаш, сентябрь ойининг охирида тайёр маҳсулот олиш учун ускуналарни агрузка билан комплекс синаб кўриш, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари, уй-жой, даволаш муассасалари ва бошқа маданий-маиший муассасаларни фойдаланишга топшириш планининг бажарилишини таъминлаш зарур.

Республика министрликлари ва идоралари IV кварталда ишга туширилаётган барча объектларни сентябрь ойида комплектлашни таъминлашлари лозим.

Мардлар маррага интиляпти

Хоразм областининг ҳамма районларида «оқ олтин» карвонлари марра сари юриш бошладилар. 80 минг тоннаник улкан хирмон кўтаришга аҳд қилган машъал Янгариқ районининг карвонбоши бўлиб олдинда бормоқда. Ленин орденли Охунбобоев номли, Киров номли ва Ленин номли колхозларнинг 50-60 центнерли бригадалари ҳозироқ кунлик ўсишни 2-2,5 процентга етказдилар. Гурлан, Урганч ва Боғот районларининг пешқадам хўжаликлари сентябрь ойида 60 процент пахта тайёрлашга бел боғладилар. Улар пахта тайёрлаш графикларини тўла ва ортиғи билан уддалашга эришмоқдалар. Областнинг ҳамма хўжаликларида терим ёппасига авж олдириб юборилди.

Ф. ЗОҲИДОВ.

4.750.000 ТОННА — ПАХТА ШТАБИ

ТЕЛЕФОНЛАР: 337343 • 337604

ҲАММА ПАХТА МАШИНАДА ТЕРИЛДИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шофиркон районидаги Ильич номли совхозининг механизаторлари КПСС Марказий Комитети маъқуллаган Ўзбекистон ССР механик-ҳайдовчиларининг мамлакатдаги барча пахтакорларга қарата ёзган мактубига жавобан машина теримини тобора авж олдирмоқдалар. Хўжалик пахтазорларида ўнга яқин терим машиналари тўла қувват билан ишлаб турибди. Бугун-эрта пахтазорга яна шунча агрегат киритилади.

Совхознинг Неъмат Исматов бошқараётган бўлимида айниқса машина терими қизғин. Бўлимнинг Талаб Усмонов бошлиқ бригадаси йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди. Ҳар гектар ердан пландаги 20 центнер ўрнига 22,3 центнердан ҳосил кўтарилиб, давлатга сотилган пахтанинг ҳаммасини моҳир механизатор ака-ука Талаб ва Таймурод Усмоновлар машинада терибоолдилар. Улар кейнги уч кунда «Ўзбекистон» терим агрегати бункеридан 40 тоннадан кўп-роқ пахта тўкишди. Бригада жамоаси ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш, яппи ҳосилнинг 100 процентини машинада териб олишга қарор қилдилар. Хўжалигимизнинг бошқа бўлим ва бригадаларида ҳам суръат отига қамчи босилляпти. Пахта териш ва тайёрлашда юксак кўрсаткичларга эришилмоқда.

Ильич номли совхоз коллективи машиналар шарофати туфайли пахта териш ва тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришиб, сентябрнинг биринчи беш кунлигида Бухоро область партия комитетини ва область ижроия комитетининг Кўчма қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

БРИГАДА ҒАЛАБАСИ

КИТОБ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги «Шаҳрисабз» совхозининг Очил Жўраев бошлиқ бригадаси пахтакорлари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошлаб юборган эдилар. Натижада 8 иш кунида йиллик планни ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар. 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ошириб пахта териб олинди. Майрам Марғиаева, Зубайда Эшбобоева, Зарбиби Муҳамадиева, Ойбиби Маманова, Ашурой Уринова каби чевар теримчиларнинг, ҳар бири кунига хирмонга 150—200 килограммдан пахта тўкиб, бригада планининг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Ҳали далаларда пахта кўп. Терим қизитилмоқда. Пахтакорлар ҳосилдорликни гектар бошига 43 центнерга етказиш учун курашяпти-лар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЗЕРВЛАРИДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Тошкентда Ўзбекистон енгил саноати ходимлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш СССР Енгил саноат министрлигининг иши тўғрисида КПСС Марказий Комитети қарорида баён қилинган халқ хўжалигининг ана шу тармоғини янада такомиллаштиришнинг кенг программасини бажариш тадбирлари тўғрисида министр Ф. Х. Хўжаевнинг докладини муҳокама қилди.

Йиғилиш қатнашчилари ўз сўзларида республика енгил саноати корхоналарининг коллективлари меҳнат унумдорлигини тез ҳам кўпроқ ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш учун барча имкониятларга эга эканликлари ҳақида гапирдилар. Беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш — уларнинг энг муҳим вазифасидир. Йиғилиш иштирокчилари 1973—1975 йилларда тармоқни янада ривожлантириш юзасидан комплекс тадбирлар планини маъқулладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қатнашди.

(ЎзТАГ).

СИРДАРЁ ПОЛИЗЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Сирдарё областининг полизчилари деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва тайёрлаш бўйича бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб меҳнат қилдилар ва давлатга 151 минг тонна қовунтарвуз топшириб зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажардилар. Улар ўтган йилнинг шу даврида гараганда 72 минг тонна кўп маҳсулот тайёрладилар.

Социалистик мажбуриятларни бажаришга Пахтакор, Оқ олтин, Фориш, Зомин, Мирзачўл, Сирдарё, Дўстлик, Боёвут, Гулистон, Янгиер ва Ильич районларининг полизчилари катта ҳисса қўшдилар.

Область матлубот кооперацияси-нинг ходимлари мамлакатнинг саноат марказларига 133 минг тонна полиз маҳсулотлари жўнатдилар.

Область полизчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқишиб, давлатга яна қўшимча равишда 20 минг тонна тарвуз ва қовун сотишга қарор қилдилар.

БИР ОЙ ОЛДИН

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Гагарин райони хўжаликлари давлатга полиз маҳсулотлари сотиш планини ўтган йилдагидан бир ой олдин ошириб адо этдилар. Пландаги 2650 тонна ўрнига 3025 тонна полиз маҳсулотлари тайёрланиб, йиллик план 115 процент бажарилди ва иттифоқимизнинг узоқдаги шаҳарларига, саноат марказларига жўнатилди.

Полиз маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотишда районлари «Янгиобод» ва «Комсомолобод» совхозларининг миришкорлари айниқса яхши натижаларга эришдилар. Улар давлатга қовун-тарвуз сотиш планларини 130-150 процент уддалашдилар.

А. ХАЛИЛОВ.

ТЎРҒАЙ ОБЛАСТИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ОРҚАЛИҚ, 7 сентябрь. (ТАСС мухбири). Бу ерда Тўрғай областига Ленин ордени топширилишига бағишланиб тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Область меҳнаткашлари халқ хўжалигини ривожлантиришда ва айниқса дон етиштиришда катта муваффақиятларга эришганликлари учун шу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Фахрий президиумга баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси сайланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев йиғилишда нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан область меҳнаткашларини муносиб мукофот билан қизғин табриклади, Ватанимиз бахт-саодати йўлида уларга янги-янги муваффақиятлар тилади.

Д. А. Кунаев Тўрғай областини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва гулдурос давомли қарсаклар остида ордени область байроғига қадаб қўйди.

Тўрғай область партия комитетининг биринчи секретари С. Кусаинов ва йиғилишнинг бошқа иштирокчилари юксак мукофот учун партия ва ҳукуматга самимий ташаккур билдирдилар. Тўрғайликлар бунга жавобан экономика ва маданиятни ривожлантириш учун янги-янги муваффақиятларга эришадилар, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат билан ишлайдилар.

Тантанали йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табриқнома қабул қилдилар.

БУГУН—ТАНКЧИЛАР КУНИ

ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида танкчилар куни муносабати билан қабул маросими бўлиб ўтди. Қабулда икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Тошкент Олий танк командирлик билим юрти командирлари, бўлажак офицерлар ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Хўжаев жанговар ва сиёсий тайёргарликда аъло натижаларга эришаётган курсантлар ҳаёти, оталарининг шонли анъаналарини давом эттираётган бўлажак офицерларнинг ютуқлари ҳақида гапирди. Билим юртининг офицерлари ва курсантларидан бир группасига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Приволжский ҳарбий округи. Н-чи қисмининг танкчилари мана уч йилдирки, округ Ҳарбий Кенгашининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар. Танкчилар бу юксак мукофотга аъло ўқишлари ва жанговар машиналарни моҳирона бошқаришлари туфайли эришдилар. Суратда: дам олишда радио тинглаш қандай мароқли.

Ю. Белозеров фотоси. (ТАСС).

ЖАСОРАТ ЙЎЛИ

А. БАБАЖАНЯН,
Танк қўшинлари бошлиғи, бронетанк қўшинлари Маршали.

Совет халқи ва унинг жангчилари бугун умумхалқ байрами — Танкчилар кунини нишонлайдилар.

Коммунистик партия яратган ва тарбиялаб етиштирган бизнинг танк қўшинларимиз шонли жанговар йўлни босиб ўтдилар. В. И. Ленин 1918 йилдаёқ ёш Совет Республикасини қимоя қилишда броняли воситаларнинг жуда катта роль ўйнашини таъкидлаб ўтган эди. Ўша йили ҳарбий мутахассислар кенгашида революция доҳийси Қизил Армияни техника билан қуроллантиришнинг бутун бир программасини тузиб берди. Коммунистик партия жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб борганлиги туфайли гражданлар урушининг якунловчи босқичида армиямиз составида 100 дан ортиқ бронепоезд ва 50 та броняли отряд бор эди.

Ленинча индустриалаштириш сиёсатини амалга ошириш натижасида бизнинг армиямиз ўттизинчи йилларнинг бошларидаёқ Ватанимизда ишланган танклар билан қуроллана бошлади. 1931 йилдан 1940 йилга қадар армиямиздаги танклар сони 43 баравар кўпайди. Биринчи беш йилликлар мобайнида вужудга келган саноатнинг техникавий даражаси 1939 йилда жаҳон танксозлигининг энг яхши намунаси бўлган «Т-34» ўртача танкини яратиш имконини берди. Бу танк бутун Улуғ Ватан урушидан муваффақиятли ўтди ва иккинчи жаҳон урушидаги энг яхши танк деб топилди. Ўша 1939 йилда КВ оғир танки яратилди. Бу танкни 1943 йилга қадар фашистлар Германияси армиясининг танкка ўрнатилган тўпларидан ва танкка қарши отадиган артиллериясидан бронтаси ҳам теша олмади.

Совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчиларини тор-мор этиш ва Европанинг кўпгина мамлакатларини фашизм балосидан халос қилишга танкчилар қўшган ҳиссса билан айниқса фахрланади.

Танк қисмлари ва қўшилмалари уруш бошланган даврнинг оғир шароитларида фашист босқинчиларнинг дастлабки зарбаларини даф қилишда муҳим роль ўйнадилар.

Москва остоналарида бўлган жангларда немис галаларининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсона учга чиқди. Бу жангларда совет танк гвардияси вужудга келди. Полковник, эндиликда эса икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинлари Маршали М. Е. Катуков қўмондонлиги остидаги 4-танк бригадаси 1-гвардиячи танк бригадаси номини олди. Бу бригада 1941 йил октябрида саккиз кунлик жанг мобайнида душманнинг 130 дан ортиқ танкини, бир полкка яқин пиёда қўшинларини, 60 га яқин тўпларини ва миномётларини яксон қилди ва Гудериан танк дивизияларининг ҳужумини тўхтатди. Совет танкчилари пойтахт бўсағаларида ҳатто жонларини қурбон қилишга ҳам тайёр турдилар. Сўнгра пиёда аскарлар, артиллерячилар ва бошқа қўшин турларининг жангчиларя билан биргаликда гитлерчиларнинг зарбдор группировкаларини ғарб томон жуда узоққа улоқтириб ташладилар.

Сталинград остоналаридаги жангларда танк қўшинлари 330 минг кишилик душман группировкасини қуршаб олишда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Генераллардан А. Г. Родин, В. Г. Вольский, А. Г. Кравченко, В. В. Бутков ва бошқаларнинг танк ҳамда механизациялашган корпуслари гитлерчи қўшинларнинг қаттиқ қаршилигини енгиб ўтиб, салкам юз соат ичида 150 километр йўл босдилар ва душманни пўлат халқа билан ўраб олишни ниҳоясига етказдилар.

1943 йил ёзида Курск жангида совет қўшинлари гитлерчиларнинг стратегик ташаббусни ўз қўлларига олиш учун қилган сўнгги уринишларини барбод қилдилар ва немис-фашист армиясини ҳалокат ёқасига келтириб қўйдилар. Бу жангда танк қўшинлари жуда катта роль ўйнади. Курск жангига қадар урушлар тарихи битта стратегик йўналишда жанговар техникадан ана шу хилда оммавий суратда қўлланишни билмаган эди. Прохоровка атрофидаги танклар курашининг ёлғиз ўзидагина ҳар иккала томондан 1200 га яқин танклар ва ўзиюрар тўплар қатнашди.

Бундан кейинги операцияларда танк армиялари, танк ва механизациялашган корпуслар ҳужум қилиб бораётган қўшинларнинг олдинги сафида ҳаракат қилиб, кўпинча жангнинг бир суткасида 70-80 километр ва ундан ҳам кўпроқ масофани босиб ўтдилар. Бизнинг танк қўшинларимиз Берлиндан Прагага қараб ўзининг шиддатлилиги жиҳатидан мислсиз бўлган марш-маневрли юриш қилдилар. Совет жангчилари 9 Май куни Чехословакия пойтахтини фашист босқинчиларидан озод қилдилар.

Совет танкчиларининг 1945 йил августида япон империалистларини тор-мор қилишдаги ҳаракатлари шу хилда муваффақиятли бўлди.

Партия ва ҳукумат Улуғ Ватан уруши йилларида танкчилар кўрсатган қаҳрамонликни юксак баҳоладилар. Ҳамма танк армиялари, 19 та танк ва механизациялашган корпус, 110 та бригада гвардиячи армиялар, корпуслар, бригадаларга айлантирилиб, қайтадан тузилди. Уларга фахрли номлар берилди. Танкчилардан 210 мингдан ортиқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди. 1142 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди, 16 танкчи эса икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Ватан учун бўлган жангларда барча бўғинлардаги танкчи командирларнинг жанговар маҳорати мислсиз даражада ошди. Шуҳрат қозонган танк ҳарбий саркардаларининг бутун бир плеядаси етишиб чиқди. Булар орасида Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский бронетанк қўшинлари Бош Маршали П. А. Ротмистров, бронетанк қўшинларининг маршаллари Я. Н. Федоренко, П. С. Рибалко, М. Е. Катуков, С. И. Богданов, П. П. Полубояров; генераллардан А. Г. Кравченко, Д. Д. Лелюшенко, В. Т. Вольский, В. М. Баданов, В. В. Обухов, А. Г. Родин, А. Л. Гетман, М. Д. Соломатин, И. И. Гусаковский ва бошқалар бор.

Душман устидан қозонилган ғалабага бронетанк техникасининг шонли ижодкорлари ва танксозларимиз бебаҳо ҳисса қўшдилар. Уруш йилларида улар юз мингта яқин танк ва ўзиюрар артиллерия установкаларини ишлаб чиқардилар. Ватан 9 мингдан зиёд танксозларни орден ва медаллар билан мукофотлади. Уларнинг қўпчилиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Бундан 28 йил муқаддам иккинчи жаҳон урушининг сўнгги отишмалари тўхтади. Совет халқи ўзининг тинч бунёдкорлик меҳнатини давом эттирмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни оғишмай амалга оширмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг куч-ғайрат сарфлаши ҳамда партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг тинчлик ишига ўлкан шахсий ҳиссаси туфайли халқаро кескинликни юмшатишга эришилди.

Бироқ, КПСС XXIV съезди кўрсатиб ўтганидек, ҳали империализм мавжуд экан, СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга янгидан ҳужум хавфи ҳам сақланиб қолаверади. Буни Қуролли Қўчларимизнинг жангчилари яхши биладилар. Улар шуни ҳам биладиларки, ҳозирги вақтда СССР Қуролли Кучлари ва бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Қуролли Кучларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган куч-қудрати бутун дунёда тинчликни сақлаш асосларидан бирини ташкил этади.

Партия ва ҳукумат кўрсатаётган доимий ғамхўрлик туфайли Қуролли Кучларимизнинг моддий базаси тубдан ўзгарди ва уларнинг жанговар куч-қудрати анча юқори даражага кўтарилди. Совет танк қўшинлари ҳам ўз тараққиётида янги, янада юқори поғонага кўтарилди. Ўтган уруш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, фан ва техниканинг ҳозирги ютуқлари базасида яратилган янги танклар совет танк қўшинлари жанговар куч-қудратининг негизини ташкил этади. Ҳозирги замон танкларининг зирҳи ҳимояси ва қуролланиши анча қудратлидир. Бу эса аниқ ўт очиш ҳамда ҳар қандай нишонларни узоқ масофадан туриб тор-мор келтириш имконини беради. Танкларнинг турли тўсиқларни босиб ўтиш хусусияти ҳам яхшиланди улар сувда сузиш ва сув остида юришни «ўрганиб олдилар».

Танкларнинг ичфи қизил техника асбоб-ускуналари билан қуролланганлиги фақат кундуз кунлари эмас, балки кечалари ҳам улардан чекланмаган ҳолда фойдаланиш имконини беради. Ниҳоят, танклар — бир томондан, ядро зарбаларидан яхши ҳимоя қиладиган, иккинчи томондан, ядро зарбалари натижаларидан энг кўп даражада самарали фойдаланиш имконини берадиган жанг майдонидаги бирдан-бир воситадир.

Танк қўшинлари яхши ўргатилган шахсий составга эга. Коммунистик партия томонидан Ватанга ва марксизм-ленинизм ғояларига чексиз содиқ бўлиш руҳида тарбияланган солдатлар, сержантлар, прапорщиклар ва офицерларнинг мутлақ кўпчилиги ўзларига топшириб қўйилган техниками моҳирлик билан эгаллаган кишилардир.

Умумхалқ байрами кунида совет танкчилари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтадиларки, улар барча совет жангчилари билан биргаликда СССР Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини янада юқори даражага кўтарадилар ва Ватанимизнинг ҳамда социалистик ҳамдўстлик барча мамлакатларининг муқаддас чегараларини ҳимоя қилишдаги ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини бундан бўён ҳам шараф билан ва юксак даражада бажарадилар. (ТАСС).

ЮБИЛЕЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Абу Райҳон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференцияси ўз ишини тамомлади.

7 сентябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида якунловчи ялпи мажлис бўлди. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиги А. С. Сумбатзода ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ҳ. Сирожиддинов «Беруний ва ижтимоий фанлар», «Беруний ва табиий фанлар» секцияларининг иши тўғрисида ахборот бердилар. Конференция совет ва чет эл олимлари қилган эллиқдан ортиқ докладни муҳокама қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов илмий анжуман ишларини якунлаб, конференция Ўрта Осиёнинг улуғ энциклопедист олими асарларини тадқиқ қилишга жуда катта ҳисса қўшди, Беруний меросини бундан бўён ўрганиш йўлларини белгилаб олишга ёрдам берди, деди.

Абу Райҳон Берунийга бағишланган Бутуниттифоқ конференциясида қилинган доклад ва ахборотларни нашр этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Конференциянинг кўпгина қатнашчилари республика билан, илмий муассасаларнинг фаолияти билан танишиб чиқмоқдалар. Меҳмонларнинг бир группаси Самарқанд, Бухорога ва Беруний туғилиб ўсган ҳамда унинг номига қўйилган шаҳарга борди. (ЎзТАГ).

ЁЗУВЧИЛАР ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Олмаотада давом этаётган конференцияси маданият моҳир усталарининг катта кенгашига айланди. Тараққийпарвар сўз санъаткорларини бирлаштириш, уларнинг халқлар қурашидаги актив иштирокига доир проблемалар қизғин ва жиддий муҳокама қилинмоқда.

7 сентябрда ўтказилган ялпи мажлисда Покистон адиби Файз Аҳмад Файз биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтдики, социалистик лагерь куч-қудратининг ўсиб бораётганлиги ва бу лагерь амалга ошираётган тинчлик ҳамда яхши қўшничилик сиёсати туфайли ядро уруши хавфи камайди. Халқаро кескинликнинг бундан бўён ҳам юмшаб боришига ёрдам бериш — тараққийпарвар ёзувчилардан ҳар бирининг бурчидир.

Германия Демократик Республикасидан келган ҳурматли меҳмон Ханс Шарф минбарга чиқади. У ёзувчилар ва шоирлар ер юзида тинчлик ҳамда бахт-саодат учун курашаётган кишиларнинг олдинги сафларидан ўрин олишлари керак эканлиги ҳақида гапиради. Ёзувчи ва шоирлар ўз халқларининг фикр, туйғу ва орзу-тилакларини ифода этадилар. Уларнинг асарлари бутун жаҳондаги кишиларнинг ақлидроки ва қалбига қаратилиши лозим.

Яман Араб Республикасининг делегати Саид Шайбоний бундай деди: Конференциямиз замонамизнинг энг муҳим проблемаларига бевосита алоқадордир. Менинг мамлакатимдаги ёзувчилар, деди у, жабр ва зулмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши ҳамиша курашиб келдилар ва курашаверадилар, Африка ва Осиё мамлакатларидаги барча маданият арбобларн билан бирдамликни мустаҳкамлайверадилар, Латин Америкаси халқларининг озодлик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлайверадилар.

Совет ёзувчиси Алим Кешоков қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тинчликсеварлик сиёсати барча қитъалардаги халқларнинг орзу-тилакларини ифода этади. Ана шу сиёсат туфайли барча халқлар маънавий жиҳатдан юксалди ва уларнинг маданиятлари барқ уриб ўсди.

Монголия ёзувчилари делегациясининг бошлиғи Лодонгийн Тудэв конференция минбарига чиқиб, Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишининг таркибий қисми эканлигини уқтириб ўтди.

Турк ёзувчиси Яшар Камол ўз нутқида сўз санъаткорларининг халқлар олдидаги катта масъулиятига тўхталиб ўтди.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг вакили Муски Саъдиддин янги мустамлакачиликнинг турли формаларига қарши кураш проблемалари ҳақида гапирди. Конференциянинг ҳурматли меҳмони француз адиби Пьер Гамарра ўз нутқини миллий маданиятларнинг ўзаро бойитишга бағишлади.

Конференция қатнашчилари Вьетнам Демократик Республикасининг вакили ёзувчи Те Лан Виенни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Мен, деди у, курашдош дўстимиз ва ўртоғимиз улуғ совет халқини табриклайман. Совет Иттифоқи бизнинг курашимизда ва социализм қурилишида ҳамиша биз билан бирга бўлди, ҳар доим бизга ёрдам берди. Биз бу ёрдамнинг ғоят буюк аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз.

Конференцияда Судан ёзувчиларининг вакили Гили Абдураҳмон, Зимбабве ёзувчиси Саул Ндлову, Танзания адиби Жон Мбонде, Заир Республикаси ёзувчилар делегациясининг раҳбари Боламба Локоле ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

7 сентябрда Олмаотадаги уйсозлик комбинати маданият саройида курашаётган Африка халқлари билан бирдамлик митинги бўлди. Бу митингда Жанубий Африка ёзувчиси Алекс Ла Гума ўзга чиқиб, Африканинг курашаётган халқларига бегараз ёрдам бераётганликлари учун совет кишиларига самимий ташаккур изҳор қилди.

Митингда Ангола вакили Коста Да Андраде, Гвинея (Бисау) ёзувчиси Абилио Дуарте, Зимбабве вакили Саул Ндлову, Сантоме ороллидан келган Томас Мадейро, Болгария ёзувчиси Николай Зидаров, совет шоирларидан Дмитро Павличко ва Олжас Сулейкановлар ҳам сўзга чиқдилар.

Шу куни Олмаотадаги 2-авторемонт заводининг маданият уйида Чили халқининг курашчи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Бу митингда Чили, Куба, Перу, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқининг ёзувчилари қатнашдилар. Бу митингда слесарь Б. Кожанов сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди: Ҳозирги вақтда Чилида синфий кураш кескинлашиб кетди. Реакцион кучлар шарт кетиб қолган ўз позицияларини ҳар қандай йўллар билан сақлаб қолишга уринмоқдалар. Улар провокациялар, диверсия, террор ва дўқ-пўписа қилмоқдалар. Аммо Чили халқини чўчитиш мумкин эмас. Чилили дўстларимиз, биз сизлар билан биргамиз!

Чили ёзувчиси ва жамоат арбоби Гильермо Атиас минбарга чиқанида завод ишчилари ва хизматчилари уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Гильермо Атиас Чили халқи Сальвадор Альенде ҳукумати раҳбарлигида революцион ислоҳотларни амалга ошираётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Митинг қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда озодлик ва тараққиёт йўлидан бориш ўз мустақил ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган мард Чили халқини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

В. ГАНЖА, П. КОСОЛАПОВ, А. МУСТАФИН,
ТАСС махсус мухбирлари.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

Бугун—Болгария озодлиги куни

МАНГУ БИРГА

Болгар халқи ўзининг 13 асрлик тарихида кўплаб тақдир чиғириқларидан ўтди, қатор социал революцияларни бошидан кечирди. Ана шу ўзгаришлар ичида болгарлар учун энг аҳамиятлиси 1944 йилги революция бўлди.

Бизнинг партия ва ҳукуматимиз қилинган ишлар ва келажакка белгиланган истиқболлар тўғрисида халқ олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб туради. Ўтган 29 йил давомида ҳар бир ҳисобот даврида биз иқтисодий, маданий ўсишларни, Болгарияда социалистик жамият қуришда эришилган ютуқларни қайд қиламиз.

Болгар халқи бу йил ўз революциясининг 29 йиллигини алоҳида қувонч билан нишонлаётир. Чунки бу йил мамлакатимиз тарихида энг самарали йил бўлди. Болгарияда социалистик қурилиш кенг қулоч ёйди. «Бобов дол» ва «Сеотримо» электр станция комплекслари, химия комбинатлари, атом электр станцияси сингари кўплаб улкан иншоотлар қад кўтармоқда.

Бизнинг республикамиз катта халқаро аҳамиятга эга бўлган замонавий масалаларни ҳал этишда актив қатнашди, Болқонда ва бутун дунёда тинчлик ўрнатиш ишига улкан ҳисса қўшди ва шу тарзда ўзининг халқаро обрўсини янада мустаҳкамлади. Социалистик революция ғалабасидан бўён ўтган йиллар Коммунистик партиямизнинг БКП программаси қарорларида мужассамлашган «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт саодати учун» сиёсатининг чуқур гуманизмини ёрқин ифодалаб берди.

Халқимизнинг улкан ғалабалари социалистик мамлакатларнинг халқлари билан мустаҳкам дўстликда қўлга киритилди. Бу ютуқлар жаҳон социалистик системаси эришган умумий ютуқларнинг бир қисмидир, холос. Олтинчи беш йиллик планларининг муддатидан илгари бажарилиши ривожланган социалистик жамият қуришимизда янги, янада яхшироқ истиқболлар очиб беради.

Болгар халқи социалистик революция ғалабасининг 29 йиллигини алоҳида қувонч билан нишонлаётир. Чунки бу йил мамлакатимиз тарихида энг самарали йил бўлди. Болгарияда социалистик қурилиш кенг қулоч ёйди. «Бобов дол» ва «Сеотримо» электр станция комплекслари, химия комбинатлари, атом электр станцияси сингари кўплаб улкан иншоотлар қад кўтармоқда.

Бизнинг республикамиз катта халқаро аҳамиятга эга бўлган замонавий масалаларни ҳал этишда актив қатнашди, Болқонда ва бутун дунёда тинчлик ўрнатиш ишига улкан ҳисса қўшди ва шу тарзда ўзининг халқаро обрўсини янада мустаҳкамлади. Социалистик революция ғалабасидан бўён ўтган йиллар Коммунистик партиямизнинг БКП программаси қарорларида мужассамлашган «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт саодати учун» сиёсатининг чуқур гуманизмини ёрқин ифодалаб берди.

Халқимизнинг улкан ғалабалари социалистик мамлакатларнинг халқлари билан мустаҳкам дўстликда қўлга киритилди. Бу ютуқлар жаҳон социалистик системаси эришган умумий ютуқларнинг бир қисмидир, холос. Олтинчи беш йиллик планларининг муддатидан илгари бажарилиши ривожланган социалистик жамият қуришимизда янги, янада яхшироқ истиқболлар очиб беради.

Болгар халқи социалистик революция ғалабасининг 29 йиллигини нишонлар экан, улуғ совет халқига, унинг Коммунистик партиясига чуқур миннатдорлик туйғуларини изҳор қилади. Биз Совет Иттифоқи бўлмаганида 9 сентябрь революцияси ғалаба қозониши мумкин эмаслигини яхши тушунамиз. Биз барча ютуқларимизга совет қардошларимиз билан бирлашиб қилган дўстлигимиз туфайли эришдик. «Ҳозирги босқичнинг асосий тарихий вазифаларини белгилашда ва социалистик жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ бўлган проблемалар комплексини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда, уни амалга оширишда, — дея таъкидлаган эди БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг раиси Т. Живков КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийнинг Болгарияга келиши муносабати билан Софияда ўтказилган меҳнаткашлар митингида сўзлаган нутқида, — бизнинг партиямиз ленинча таълимотга ва КПСС, Совет Иттифоқининг тарихий тажрибасига таянади. Чунки Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳаммасига намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Биз, болгар коммунистлари, болгар меҳнаткашлари, болгар халқи Октябрь революциясининг биринчи куниданоқ Совет Иттифоқини севганимиз, ҳар қандай шароитда ҳам Совет Иттифоқи томонида бўлганимиз билан фахрланамиз».

Республикамиз катта қувонч билан Тўққизинчи сентябрь ғалабасининг 30-йиллига қадам қўймоқда. Болгар халқи ўз кучларига ишонган ҳолда коммунистик идеаллар тантанаси учун курашда янги ғалабаларга эришишга азму қарор қилгандирлар.

Борис ПЕТКОВ,
«Поглед» ҳафталигининг бош редактори, (АПН).



КОРЕЙС ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

Бугун корейс халқи Корея Халқ Демократик Республикаси тузилган кунининг 25 йиллигини байрам қилмоқда. Миллий озодлик учун олиб борилган кураш 1948 йилнинг 9 сентябрида ғалаба билан якунланди. Ўтган 25 йил ичида ишчилар, деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Корея Халқ Демократик Республикаси бугунги кунда социализмнинг шаридаги мустаҳкам қўрғонларидан бири сифатида гуллаб-яшнамоқда. Суратда: КХДР саноатининг фахри бўлган Чхончжиндаги ГЭСнинг кўриниши. Бу ГЭС Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида қурилган.

ЦТАК — ТАСС фотоси.

КАМБОДЖАДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 7 сентябрь. (ТАСС). Камбоджада озодлик кучлари билан Пномпень режими қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг давом этмоқда. Пномпендан олинган хабарларга кўра, мамлакатнинг иккита ғоят муҳим транспорт магистрали: Пномпенни Кампонгсом денгиз порти билан боғлайдиган тўртинчи йўл ва асосий шоликор вилоят бўлган Батамбангга олиб борадиган бешинчи йўл ватанпарварларнинг назорати остидадир.

Озодлик кучлари бугун эрталаб Пномпендан 80 километр чамаси шарқи-шимолда Менбир дарёси соҳилида жойлашган Кампонгтям вилояти марказида ҳужум операцияларини давом эттирдилар. Чет эл агентликларининг хабар беришича, Кампонгтямда қуршовда қолган Пномпень қўшинлари ҳозир жуда ҳам оғир аҳволдадир. Ватанпарварлар шаҳарнинг жанубий қисмини батамом эгаллаб олдилар. Шунингдек шаҳар марказига бевосита яқин жойлашган бир қанча объектларни қўлга киритдилар.

Қуршовда қолган душман гуруҳини таъминлаш ҳаводан амалга оширилмоқда. Қўшни Таиландда жойлашган Америка ҳарбий транспорт самолётлари таъминлаш операцияларида актив қатнашмоқда.

ФОЙДАЛИ ВИЗИТ

ТОКИО, 7 сентябрь. (ТАСС). Япония парламенти делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстлик муҳитини янада кучайтиришга кўмаклашди. Бу визит бош министр К. Танаканинг СССРга қиладиган сафарига қулай таъсир кўрсатади, деди таниқли снёсий арбоб Ҳ. Исида.

Япон—Совет дўстлиги уюшмасининг делегацияси СССР парламент группасининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган эди.

Х. Исида ва делегация раҳбарининг ўринбосари К. Цудзихара Япония газеталарининг Москвадаги мухбири билан суҳбатда Совет Иттифоқида Япония парламент аъзолари шодиёна қабул қилинганлигини уқтириб ўтдилар. Корхоналарда, совхозларда ва бошқа жойларда совет кишилари билан бўлган самимий учрашувлар, деди жумладан К. Цудзихара, ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида муносабатларни янада яхшилашга кўп жиҳатдан хизмат қилади.

Делегация раҳбарлари Японня билан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтдилар.

ПЕКИН КИМЛАРНИ ХУШ КЎРАДИ

ПАРИЖ. 7 сентябрь. (ТАСС). Хитой маъмурлари президент Ж. Помпидунинг Хитой Халқ Республикасига қиладиган визитини ёритиш учун «Юманите» газетасй мухбирининг бу мамлакатга келишига рухсат бермаганлиги ва айни вақтда буржуа журналистларининг катта бир группасига, шу жумладан Франция матбуотининг энг реакцион органлари журналистларига рухсат берилганлиги тўғрисида хабар қилинган эди.

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Юманите» газетаси бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: «Пекин ҳукумати 80 кишидан 79 тасига рухсат берди ва фақат бир кишига—«Юманите» газетасининг мухбиригагина рухсат бермади».

«Орор», «Фигаро» ёки «Парисматч» журналистларининг, —деб ёзади яна газета, —Хитойга боришларига қарши эмасмиз. Аммо Хитой ҳукуматининг «Юманите» газетасининг мухбиригагина рухсат бермаганлиги эътиборга сазовор фактдир. Бошқа газеталар Хитой революциясига нисбатан душманликларини ошкора баён қилган пайтларда «Юманите» газетаси бу революцияни узил-кесил қўллаб-қувватлаган ягона газета эди.. Бу газета мухбирининг Хитойга бориши учун рухсат берилмаганлиги Пекин нокоммунистик матбуотни, шу жумладан энг реакцион газеталарни афсаф кўраётганлигидан далолат беради.

«Юманите» газетаси Франция Компартияси билан Хитой Коммунистик партияси ўртасида жиддий идеологик ва снёсий ихтилофлар борлигини таъкидлаб, ўз қарашларидан воз кечиш ниятида эмаслигини уқтириб ўтади.

Франция коммунистларининг органи Хитой ҳукуматининг «Юманите» газетасига нисбатан намситиш чораларини кўрганлигини «оқлаш мумкин эмас» ва бундай камситиш «аввало халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати манфаатларига душман бўлган снёсатни ифода этади», деб таъкидлайди.

КУЛИБ БОҚҚАН БАХТ

Янги қаҳрамонлар

Инсон ҳаётида унутилмас воқеалар кўп бўлади. Мария Анисимовна Котова ҳаётида ана шундай абадул-абад ёдда қоладиган қувончли воқеа юз берди. Унга СССР Олий Совети Президиумининг шу йил 6 сентябрдаги фармони билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Мария опа бундай шарафга чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган катта муваффақиятлари ва 1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда кўрсатган зўр меҳнат-шижоати туфайли сазовор бўлди.

1958 йилнинг бошлари эди. Мария Анисимовнани сут товар фермасига ишга таклиф этишди. Опа ҳам шуни кутиб тургандек, жондили билан фермага келди. Унга 30 бош сигир биркитиб қўйишди. Лекин ўша сигирлар ногирон бўлиб, маҳсулдорлиги паст эди. Шу важдан бўлса керак, опа фикридан қайтмоқчи бўлди. Масалага партия ташкилоти аралашди. — Сигирларга сиз қарамасангиз, биз қарамасак, унда ҳоли нима кечади, — деди совхоз партком секретари. — Жамоат чорвачилигини ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз.

Фермада қизғин меҳнат кунлари бошланди. Ҳар бир сигирнинг ҳолати, иштаҳасини ўрганиб чиқди опа. Соғиш агрегатларини кўздан кечирди. Сафдош дугоналари билан суҳбатлашди. Ниҳоят, меҳнати оғир бўлса-да, сигирлар маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мумкин, деган хулосага келди. Зоотехник, ветеринария врачи, фельдшерлар иштирокида янги озуқа рационини тузди, кам сут бераётган сигирларнинг иштаҳасига қараб ширали озуқалар билан қўшимча боқди, бузоқларни онасидан ажратиб парваришлаш усулини қўллади. Совхоз раҳбарлари олдига кўпроқ маккажўхори, беда етиштириш йўли билан озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласини қўйди. Бу орада янги чорва бинолари қурилди, ажойиб агрегатлар ўрнатилди.

Қарабсизки, қисқа вақтда фермада иш юришиб кетди. Илгари сут тайёрлаш планини бажара олмай келган хўжалик пешқадамлар сафидан ўрин олди, районга довруғ солди. Сўзимизнинг исботи учун мисол келтирамиз.

1972 йилда совхоз бўйича ҳар бош сигирдан 1630 литрдан сут соғиб олинди. Бу аввалги йиллардаги кўрсаткичдан анча дуруст. Лекин, халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган ва тобора ортиб бораётган талаби ҳисобга олинадиган бўлса, ҳали бу борада кўп иш қилиш керак. Шунинг учун ҳам маҳсулдорликни ошириш кун тартибидаги бош масала бўлиб турибди, бу борада ҳозирдаёқ муайян муваффақиятларга эришиляпти. Шу йилнинг ўтган ойларида ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 511 литр кўпайтирилди. Бунда опанинг бой тажрибаси қўл келди.

Совхоз чорвадорлари бу йил 2.650 центнер сут етиштиради. Шу кунгача тайёрлов пунктларига салкам 2 минг центнер сут топширилди. Шуниси диққатга сазоворки, совхоз бўйича ҳар бош сигирдан шу кунгача 2.124 литрдан сут соғиб олинган бўлса, фидокор ферма ходими Мария Анисимовна ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар бошидан 3.500 литрдан сут соғиб олиб, катта карвонга бошчилик қиляпти.

Хўжаликда туёқ сонини кўпайтиришга жиддий эътибор бериляпти. Бу эса, гўшт етиштиришни кўпайтиришга ташланган ҳамиртуришдир. Ундан ташқари «бир теригa икки қўй сигади» деганларидек, бўрдоқичилик ҳам ферма ходимларининг диққат-марказида бўляпти. Тўқкизинчи беш йилликнинг учинчи босқичида 1150 центнер гўшт тайёрлаш кўзда тутилган эди. Утган саккиз ойда 947 центнер гўшт тайёрланди. Бу, бултургига нисбатан 599 центнер кўп. Ҳозир гўштга топшириш учун боқиб қўйилган қорамолларнинг саҳринида тухум туради, қўйларнинг юнгидан тортса мой чиқади. Давлатга серқаймоқ сут, семиз гўшт топшириш эвазига хўжалик ҳам, чорвадорлар ҳам катта иқтисодий фойда кўрмоқдалар.

Сирдарё область, Боёвут районидаги пахтачиликка ихтисослаштирилган А. Руцкий номли совхозда жамоат чорвачилиги ҳам шаҳдам ривожлантириляпти, маҳсулот етиштириш кўпайтириляпти, ҳалол меҳнат қилаётган чорвадорлар партия ва ҳукуматимизнинг олқишига, юксак мукофотига сазовор бўляпти. Шундай меҳнатсевар ферма ходимларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Анисимовна Котовадир.

Юксак унвон билан чин юракдан муборакбод этамиз, азиз Мария Анисимовна! Келажак ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

МАШИНА ТЕРИМИ ҚИЗҒИН

ҚАМАШИ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги «Фарғона» совхози пахтакорлари ғўза баргини сунъий равишда тўктиришни биринчи бўлиб бошлаган эдилар. Ғўза барги тўкилган майдонларда машина терими бошлаб юборилди. Биринчи бўлиб машина терими ғўза барги яхши тўкилган, пахтаси чаман-чаман очилган совхознинг Олмон Тўрасоатов, Эрваш Жабборов бошлиқ бригадаларида бошланди. Абди Мавлонов, Турсун Дўсаев, Пўлат Рўзиев, Эшбўри Холбозоров, Тожи Иброҳимов каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири машина теримининг биринчи куниёқ 4-5 тоннадан пахта териб тўкдилар. Абди Мавлонов ва Турсун Дўсаевларнинг терган пахтаси шу кунгача 35 тоннадан ошиб кетди. Эртаиндин барча терим машиналари пайкалларга тушириладн. Мавсумда совхоз далаларида 46 терим машинаси ишлаб хирмонга барака киритади. Бу йил машиналар бункеридан 5,5 минг тонна пахта тўкилади. Бунинг учун барча шарт-шароит бор.

Совхозда уруғчилик учун ажратилган участкаларда пахтани қўлда териш яхши ташкил этиляпти. Совхоз директори Муҳаммади Эшонқуловнинг айтишича, далада 300 га яқин теримчи меҳнат қиляпти. Жонбуви Бектошева, Гулчеҳра Аллаёрова, Гулчеҳра Мавлонова, Саломат Армонова каби чевар теримчилар кунига 2,5 тоннадан ошириб пахта теряптилар. Совхозда ҳар куни йиллик планнинг 1,5 процента миқдорида пахта тайёрланмоқда. Терим машиналари тўла ишга туширилгач, ҳар куни 4-5 процент пахта тайёрланиб ,қабул пунктларига жўнатилади ва йиллик план 25 иш кунида бажарилади.

Совхоз пахтакорлари 2,500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан — жами 10 минг тонна пахта етиштириш ишки билан меҳнат қиляптилар.

П. ГАДОЕВ.

Қашқадарё область Қамаши районидаги «Фарғона» совхозининг пахтакорлари машина теримини бошлаб юбордилар. Улар бу йил жами майдондаги пахтанинг 80 процентини машиналар ёрдамида териб олишмоқчи. Шу кунларда «зангори кема» суворилари улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Суратда: совхоз директори Муҳаммади Эшонқулов билан 1-бўлим бошлиғи Узоқ Очилов пахтаси машинада терилаётган далани кўздан кечиришмоқда.

Н. Содиқов фотоси.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

КИРОВ РАЙОНИ, («Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири С. Асқаров телефон орқали хабар қиладн). «Искра» колхозининг Ниёзали Аҳмедов бошлиқ бригада пахтакорлари тошлоқ ерда деҳқончилик қилиб, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирдилар. Бригаданинг Алибой Пирматов бошлиқ звено аъзолари районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажаришган эди. Улар нуни кеча социалистик мажбуриятни ҳам ошириб адо этишди. 15 гектар тошлоқ майдондан 35 центнердан хирмон кўтаришди. Звено пахтазорида ҳали ҳосил кўп. Улар ҳосил чўғини ҳисоблаб чиқиб звено бўйича олинадиган пахта ҳосилини 50 центнерга етказишга қарор қилишди. Бригаданинг Сабохон Умарова, Момогул Раҳимова, Ўғилой Маҳмудова, Турғунали Нурматов сингари кўп минг килограммчи теримчилари шу кунгача 4-5 тоннадан пахта териб колхоз хирмонига тўкдилар.

Колхозининг Сайфиддин Қўчқоров бошлиқ бригадасида Эргашали Қўлдошев раҳбарлик қилаётган звено ҳам 10 гектар майдондан 30 центнердан ҳосил етиштириб, социалистик мажбуриятни бажарди. Улар гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни 45 центнерга етказишмоқчи. Шунингдек, Абдуҳамид Ғаниев бошлиқ бригаданинг тўйчивой Норматов бошлиқ звено коллективи ҳам социалистик мажбуриятни бажарди. Гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил олинди.

«Москва» колхозининг бир канча звеноларн ҳам маррага етди. Жумладан, Юнусали Муродов бошлиқ звено 37 центнердан хирмон уйди. Бу меҳнат зафарини қўлга киритишда кўп минг килограммчи теримчилардан Хайринисо Маматова, Мавлуда Аҳмаджонова, Дилором Ҳамидова, Карима Қамбаровалар кунига 150-200 килограммдан «оқ олтин» терши билан катта ҳисса қўшдилар. Звено аъзолари ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш ишки билан пахта теришяпти.

ПАХТА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИГА

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг президиуми 1973 йилги пахта ҳосили теримини муваффақиятли ўтказиш учун социалистик мусобақада касаба союз ташкилотларининг иштироки тўғрисида қарор қабул қилди.

Илғорларни — ғўзани дефолиация қилишда банд бўлган самолётларнинг экипажларини ва энг яхши механизаторларни рағбатлантириш учун фахрий ёрлиқлар ва қимматли совғалар таъсис этилди.

Пахта териш машиналарининг пешқадам механик-ҳайдовчилари мусобақа шартларини бажарган тақдирда беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йили пахта терими устаси номига ҳам сазовор бўлади. (ЎзТАГ).

ВИСТАВКА МУКОФОТИ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). «Бухоро ерининг саҳоватн» область қишлоқ хўжалик виставкаси ғолиблари аниқланди. Биринчи даражали диплом ва «Волга» енгил машина билан Ромитан районн, иккинчи даражали диплом ва «Жигули» енгил машиналари билан Ғиждувон, Коракўл районлари тақдирланди. Конимех районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Конимех наслчилик заводи, Навоий районидаги «Коммунизм» колхози, Бухоро трикотаж фабрикаси коллективларига ҳам диплом ва «Жигули» енгил машиналар берилди.

Энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективлари, айрим илғор кишилар ҳам виставка мукофотларига сазовор бўлдилар.

Т. НАЗИРОВ.

САНЪАТКОРЛАР СИРДАРЁДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат Академик Катта театрининг етакчи санъаткорларидан бири, СССР халқ артисткаси Ҳалима Носирова бошчилигидаги санъат усталаридан иборат концерт бригадаси бир ой мобайнида гуллаётган Сирдарё областининг қатор совхоз ва колхозларида катта программада концерт томошалари кўрсатиб қайтди. Ҳамма жойда санъатимиз булбули Ҳалимахонимни ва бошқа санъаткорларни томошабинлар қизғин кутиб олдилар. Концертларда севимли хонанда Ҳалима Носирова ўз репертуаридаги энг яхши ашулаларни, жумладан «Меҳнат аҳли», «Найлайни», «Дастингдан», «Хуш он замон» ва бошқаларни, шунингдек, опералардан ариялари жўшиб ижро этди. Ҳурматли санъаткорга ҳамроҳ бўлиб келган артистлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти Жамол Низомхўжаев, Ҳалима Комилова, республикада хизмат кўрсатган артист Михаил Давидов, истеъдодли хонанда ва раққосалар Жўрабек Нарзуллаев, Турсунбой Ҳасанов, Ҳайрулла Хўжаев, Муҳаммаджон Узоқов, Олия Шайхулисломова, Гулором Мусаева, Мунира Комиловаларнинг ижро этган қўшиқлари, рақслари томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Сўлим водийга айланиб бораётган Сирдарё областининг қатор хўжаликларида азамат пахтакорларга маданий хизмат кўрсатган санъат усталарининг концертлари мароқли ўтди.

Т. САНЖАРОВ.

МАДАНИЙ МЕРОС — БОЙЛИГИМИЗ

ЎТМИШНИНГ ТИЛСИЗ ШОҲИДЛАРИ

Ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини билишга интилади, катта тарихий саналари ва улуғ сиймолари билан фахрланади. Халқнинг ҳозирги давр маданий савияси ҳам унинг ўз ўтмишининг илғор анъаналари ва ноёб тарихий обидаларини нечоғли қадрлаши билан белгиланади. Ўзига хос маданий мерос яратган, асрлар давомида ажойиб социал ва маданий воқеалар билан жаҳон тарихини бойитган ўлка — Хоразм кўплаб тарихий обидалар хазинаси сифатида халқимизнинг ифтихорига сазовордир.

Совет тадқиқотчиларининг, айниқса, таниқли шарқшунос олим Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, профессор С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм экспедициясининг кўп йиллик самарали меҳнати туфайли ўлканинг қоронғуликкка айланган узоқ ўтмишдаги тарихи қайта тикланди.

Хоразм ва бошқа экспедицияларнинг иши Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврда юқори босқичдаги ўзига хос мустақил бир маданиятга эга эканлигини аниқ кўрсатиб берди. Бу муҳим фикрни исботловчи зўр далиллардан бири жуда ҳам кенг территорияда топилган ажойиб архитектура, санъат ва ёзув дурдоналаридир. «Ирқий» назарияни тарғиб қилувчи буржуа олимларининг узоқ аждодлари маданиятга энди эришаётган бир пайтда қадимги Нисадан топилган фил суягидан ишланган ритон (қадаҳ идиш), Хоразмчинг кўп жойида учрайдиган лойдан ва сополдан ясалган хилма-хил ҳайкаллар, Тупроққалъада топилган қадимги хоразм ёзуви ва бой расм галереяси, Тожикистоннинг Муғ тоғида очилган Сўғд даврига оид архив, Болаликтепа ва Сурхондарёнинг жанубида, Паншинкентда топилган бадиий обидалар ва бошқалар Ўрта Осиё халқлари қадимги аждодларининг юқори маданиятга эга бўлганликларини ёрқин кўрсатиб турибди.

Кўп тарихий ва археологик маълумотларга қараганда, буюк ватандошимиз Беруний туғилган даврда, яъни X аср охирларида Хоразм иқтисодий жиҳатдан анча тез ривожлана бошлаган эди. Бунга шаҳарларнинг ўсиши далил бўла олади.

Иқтисодий юксалишнинг яна бир муҳим кўрсаткичи — савдо-сотиқнинг ривожланишидир. Бу ҳолат карвонларнинг нормал юришини таъмин қилган. Қазиб текширилган ва ўша даврга оид бўлган Беловўли ва Талайхонота карвонсаройлари Ибн Фадлан тасвир қилган карвонсаройларга ўхшаб кетади.

Беруний яшаган даврдаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши ёзма манбалардагина эмас, шунингдек маданий ёдгорликларда ҳам кўринади. Текширишлар Хоразмда темирчилик, кулолчилик, шиша ва қурилиш касб-корларининг тараққий қилганлигини кўрсатади. Бу даврда янги қурилиш материали — пишиқ ғишт ишлатила бошланади ҳамда биринчи марта деразаларга ойна қўйилади. Дераза ойнасининг қолдиқлари Хоразмда Ўрта Осиёнинг бошқа ерларига нисбатан энг аввал топилган. Уйларнинг ички архитектурасини безашда деворга чизилган расмлардан ташқари, нақш берилган ёғочлар ҳам ишлатилган. Бу эса, Хоразмда тасвирий санъатнинг янги ва юқори босқичга кўтарилганлигини кўрсатади.

Бу даврдаги тасвирий санъатнинг характерли томони шуки, илгаргги антик даврдаги одам ва ҳайвон тасвирлари ўрнига ислом динига биноан, фақат жонсиз табиат ҳодисаларини акс эттириш биринчи ўринга ўтади. Шунинг учун нақшлар ўсимлик дунёси ва геометрик шакллар билан чекланади.

Бундай ёдгорликлардан анча тўла текширилгани қадимги Чарманёп каналининг этагидаги Шоҳсанам истеҳкомидир. Ёқут асоларида кўрсатилганидек, унинг илк ўрта асрдаги Сувбурни шаҳри харобалари билан боғлиқлигини олимлар исботлаган. Шаҳарнинг номи ҳам (Сувбурни) унинг сув этагида ўрнашганлигини кўрсатади.

Шаҳарнинг жанубида кенг майдонни эгаллаган боғ бўлганлигини кўрсатувчи белгилар, боғ чекаларидаги ҳашаматли иморат харобалари кишига ғариб ва Шоҳсанам достонидаги чуқур маҳорат билан тасвирланган кўшк боғини эслатади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий тузумида рўй берган ўзгаришлар моддий маданият ёдгорликларидан Говхўра канали воҳасида жойлашган Қаватқалъа комплексига кирган обидаларда айниқса сезилиб туради. Говхўра воҳаси шу ном билан аталган канал бўйлаб, эни 2-3 километр, узунлиги эса 15 километргача чўзилган бир қатор қалъа қаср ва қўрғон ҳаробалари билан банд бўлган территориядан иборат. Қаватқалъа атрофида 8 километр майдонни эгаллаб ётган жойнинг ўзидагина тўқсондан ортиқ тарихий истеҳком борлиги аниқланди.

Илк ўрта асрларда Хоразмдаги кўп шаҳарлар Ўрта Осиёда типик бўлган ўрта аср шаҳарлари қиёфасига киради. Ўша даврдаги хоразмшоҳлар пойтахти — Беруний-нинг она шаҳри — Кат ҳам мамлакатнинг энг йирик савдо ва иқтисодий маркази бўлиб танилган.

Дайди Амударёнинг бетайин оқими натижасида рўй берадиган доимий тошқинлар шаҳарнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун тўсқинлик қилиб келган, аҳолини дарё қирғоқларидан нарироққа чекинишга мажбур этган. X асрнинг биринчи ярмидаёқ Амударёнинг тўлқинлари қадимги Кат қалъасини ва шаҳарнинг унга ёндошган қисмларини ювиб кетиш хавфини туғдирган, шаҳар дарвозасини эса сув олиб кетган. Асрнинг охиларига келиб дарё қалъани емириб тамомлаган эди. Берунийнинг кўрсатишича, Амударё шаҳар қалъасининг тагидан ювиб, унинг бўлакларини йил саён ўйин олиб кетаберган ва оқибатда 994-йилга келиб, қалъадан эсар ҳам қолмаган.

Аммо дарёнинг ҳуружи натижасида Катдаги ҳаёт узилмаган, унинг аҳолиси кўп қийинчиликлар билан эски шаҳарни ташлаб, шарқий томонда янги уй-жойлар қура бошлайди.

Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир йирик тарихий обида Туркманистоннинг Тошовуз областидаги Кўҳна Урганч харобаларидир.

Дунёнинг жуда кўп ерларини айланган атоқли араб сайёҳи ва географи Ёқут бу шаҳарга «катта бахо берган. Урганч харобалари ва бу харабалар орасида қад кўтарган пишиқ ғиштдан қурилиб, кошин билан моҳирона зийнатланган қашаматли, ҳозиргача сақланиб қолган ёдгорликлар кўп эзгиларгача сайёҳ ва тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Бу ажойиб обида харабаларн тахминан 400 гектар майдонни эгаллайди. Шаҳар ҳозирги, Кўҳна Урганч район маркази билан Амударёнинг қадимги ўзани — Даёблик ўртасида гуллаб-яшнаётган колхоз далалари оғушида жойлашган.

Хоразм экспедицияси ер устида яхши сақланиб қолган машҳур обидалардан Тўрабекхоним мажбараси ва унга яқин турган ажойиб Урганч минораси (XI аср), ҳашаматли Текеш ва Фахриддин Розий мақбаралари (XII—XIII асрлар)нинг жанубида жойлашган Тошқалъа номли истеҳком харобаларини қазиб текширди. Бу истеҳкомнинг шарқий қисмида деворлари майда ҳом ғиштдан ишланган Оққалъа харобалари сақланиб қолган. Таҳминан Тошқалъадан 1,5 километр ғарбда катта пахса девор билан ўралган Хоразмбоғ номли обида киши диққатини ўзига жалб қилади.

Тошқалъа 600x800 метр келадиган кўпбурчакли истеҳком бўлиб, пишиқ ғиштдан тикланган девор ва чуқур хандақ билан ўралган. Қалъа территориясида «Карвонсарой дарвозаси» номи билан машҳур пештоқ харобалари ва XX аср арафасида йиқилган илк ўрта аср даврига оид катта минора қолдиқлари бор. Тошқалъанинг жанубий дарвозаси атрофида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида шаҳар деворининг қолдиқлари топилиб, уни пишган ғиштдан қурилгани маълум бўлди.

Илк ўрта асрга оид минора харабаларини қазиб текшириш ҳам муҳим маълумотларни берди. Минора харабалари ёнида 1900 йили топилган тошга ёзилган хатга қараганда, бу минора 1011 йили яъни Маъмун академиясида Абу Али ибн Сино ва Беруний ишлаган даврда пайдо бўлган. Лекин бу ёдгорлик мўғул истилоси даврида шаҳарнинг бошқа ёдгорликлари билан бир вақтда йиқилган. Минора қайтадан XIV асрда тикланган бўлиб, Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб келган катта минораси, Тўрабекхоним ва шу даврда қурилган бошқа ёдгорликлар билан тенгдош деб ҳисоблаш мумкин.

Бутун кўҳна Урганч харобалари, онда-сонда сақланиб қолган обидаларни эътиборга олмаганда, Хоразм мўғул ва ундан кейин Темур лашкарларининг мисли кўрилмаган вахшийона юришлари натижасида қандай фожиали аҳволга тушганлигини муфассал тасвир қилишга имкон беради.

Мазкур ёдгорликлардан ташқари мўғул истилоси натижасида Хоразмнинг Гулдурсун, Шўрахон, Норинжон, Маздоҳқон, Дарғон ва шу каби аниқ ва илк ўрта аср шаҳар ва қалъалари харабаликка айланди. Қолган шаҳар ва қишлоқлар ҳам вайрон қилинган бўлса-да, бир канча вақт ўтиши билан ундаги ҳаёт яна тикланади. Хуллас, шафқатсиз Чингизхон қўшинларининг вахшийларча бостириб кириши туфайли шаҳар ва қишлоқларнинг деярли ҳаммаси талон-торож қилиниб, аҳолиси қирилади, қисман ҳайдаб олиб кетилади, минглаб гектар унумдор ерлар эса харобага айланади», доимий равишда тозалаб ва хараб туришни талаб қиладиган суғориш тармоқлари тушкунликка учрайди. Худди шундай қисматни Хоразм кейинроқ Бераҳм Темур юришлари даврида қайтадан бошдан кечиради. Бунга ўша даврга оид сон-саноқсиз шаҳар ва қишлоқлар, айниқса Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб қолган харабалари далил бўла олади.

Хоразм воҳасида яшовчи халқлар фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул ғалабаси туфайли мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг ойдин йўлига тушиб олдилар.

Исо ЖАББОРОВ,
тарих фанлари кандидати.

Расул Гамзатов — 50 ёшда

ШЕЪРИЯТ ЮЛДУЗИ

Коммунистик эътиқод, чинакам инсонийлик, ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилган сўз санъатининг баркамол бунёдкорларидан ҳар бирининг ижодини ўзига хос машъал деб ардоқлаймиз. Машъалки, нурларидан қалбингиз ёришиб, руҳингиз енгил тортади, ақлингиз ёришади. Машъалки, ҳар хил маразларни куйдириб, жаҳлки, эзгулик, яхшилик, янгиликка ҳаёт бахш этади.

Расул Гамзатов кўп миллатли совет адабиётининг ёркин машъалларидан биридир. Ҳозирги кунда «Расул Гамзатовни ўқимаганман» деган одамни деярли учратмаймиз. Унинг довруғи, шеъриятининг шон-шухрати фақат мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёга тарқалган.

Доғистон халқ шоирининг бутун юкоди икки она — Россия ва тоғлик ўлка мадҳидан иборатдир. Унинг ўзи ҳам буни тасдиқлаб, шундай деган эди: «Менинг халқимнинг, менинг кичик элимнинг, ҳар бир китобимнинг икки онаси бор. Бири — қадрдон Доғистоним. Иккинчиси — Россия, Москва... Ҳар иккиси — икки қўлим, икки кўзим, икки қўшиғим, икки қанотим сингари азизу мўътабардир». Шоирнинг қайси бир асарини ўқиманг, мана шу фикрнинг бадиий ифодасини кўрасиз.

Расул Гамзатов тоғу тошлар, қоялар, шамширу ханжарларни кўп тилга олади. Шоир истеъдодининг қудрати билан улар «тийра» киради, улар ўз қисматлари ҳақида роз айтади. Яна қандай роз, яна қандай ҳикоя денг! Эштиб, ўқиб, ўтмишда бойфеодаллар зулмини чеккан, эзилган

лекин қадди букилмаган, курашларда тобланган, Совет ҳокимияти даврида иккинчи — бахтли, саодатли ҳаётнинг бошлаб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилаётган авар халқининг қиёфасини аниқ кўрасиз, атрофида тоғу тошлар, қоялар ўрнашса-да, қалби, шуури, ақли-ҳуши ниҳоятда теран ва ғўзал халқ билан таниш асиз. Расул Гамзатов ўз халқининг тақдирини, унинг қалбини теран поэтик ифодаларн сайин унинг шеърлари шунчалик умуминсоний пардаларда жаранглайди. Бамисоли қатрада қуёш акс этганидай тоғлиқ шоир қўшиқларида XX аср кишиларининг ўй ва орзулари, туйғу ва кечиналари яққол намоён бўлади.

Расул Гамзатов шеърияти ўз шаклига кўра традицион характердадир. Бироқ дафъатан анъанавий кўринган ана шу поэзия совет шеъриятининг энг новаторона ҳодисаларидан биридир. Унинг мазмунида анъана ва новаторлик, ғоявий ва бадиийлик, миллий ва интернационаллик ўзига хос ажойиб бир тарзда бирлашиб кетган.

Расул Гамзатов ўзининг қарийб 30 йиллик ижодий фаолияти даврида яратган шеърлари, сонетлари, достонлари, насрий асарлари билан совет адабиётининг шухратига-шухрат келтирди. Атоқли шоирга ўқувчилар оммасигина эмас, балки юзлаб қаламкашлар, фақат ёшлар эмас, балки тажрибали ижодкорлар ҳам талпинади, ўқийди, ундан ўрганадилар ва илҳомланадилар.

Атоқли шоир — СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Россия Ёзувчилар союзи правленнесининг секретари ҳамдир.

Доғистон халқ шоири 1951 йилда, 28 ёшида «Туғилган йилим» китоби учун СССР Давлат мукофоти лауреати бўлди. Орадан 10 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, машҳур «Юксак юлдузлар» шеърлар китоби учун эса Ленин мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди.

Расул Гамзатов бугун умрининг ярим асрлик поғонасига кўтарилди. 50 ёш — камолот ёши. Шундай экан, Доғистон халқ шоирининг ўз истеъдоди, меҳнати, изланишлари билан ёққан ижод машъали янада нурли, янада ҳаётбахш, янада ўткир ва фойдали ёнади.

Н. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ШЕРОЗДА

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро ҳолига бахш этгум Самарқанд-у Бухорони.
ҲОФИЗ.

Шерозда сўрадим мўъжаз дарёдан:
— Не боисдан, қани, бўлгил-чи ирқор —
Кўпдан сен машҳурсан ёруг дунёда,
Бошқа дарёлардан нима фарқинг бор?
Жавоб берди дарё ўпиб қирғоғин:
— Ҳавас қилгуликдир қисматим азал,
Ҳофизнинг босганман бир вақт чанқоғин,
У ҳам бағишлаган шаънимга ғазал!
Сўрадим Шерозда атиргулдан ҳам:
— Неча асрларки, нечун жаҳонда
Сени аташади энг гўзал, кўркам,
Ахир сендай гуллар озми бўстонда?
Оқшом юлдузиндай, нечун қаддингни
Узга атиргулдан қўюрлар баланд?
Гул деди:
Орттирган Ҳофиз қадримни
Узнинг аташнок ғазали билан!
Айллар ҳуснига нигоҳ ташлаб ҳам
Уша саволимни такрорладим боз:
— Не учун қадимдан сизни бу олам
Соҳибжамоллиқда санар беқиёс!
— Умрин бир қултум майга ўхшатган
Ҳофиз шундоқ деган.
Саховат ила
Бир дона ҳолимга дангал бахш этган
Бухорони шартта Самарқанд ила.

САККИЗЛИКЛАР

Яра оёғимни босардим аранг
Зим-зиё тунлари йўлда туртиниб.
Деразадан чироқ ёқарди онам
Ўғлим йўлдан адашмасин деб.
Шундан бери қанча йўлларни ўтдим,
Дуч келса-да қаддироқ бўрон.
Онам ёққан чироқ йўлим ёритди,
Манзилимга етказди омон.

Аллақачон ўтиб кетди болалик
Кипригимда кулгу ҳамда ёш билан.
Энди саломимга олмас у алик,
Қайтмас,
қутсам ҳамки кўп бардош билан.
Кўраман: олдинда турар кексалик,
Вужудимни босган ҳазжон, титроқ,
«Чехин!» десам ҳамки мен овоз солиб,
Йўлимда туради — сочларн оппоқ.

СПОРТ

ЗАБТКОРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН АЛЬПИНИСТЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

«Республика спорт комитетига. Ўзбекистон альпинистлар командаси кўзланган мўлжал — Хонтангри чўққисини забт этдилар!..
ЭЛЧИБЕКОВ».

Радиограммада қайд қилинган бу оддий мисралар замнида қанчадан-канча меҳнат, машаққат, асаблар ва характерлар синови, қоларерса қувонч нашидаси борлиги қор кўрпага бурканган тоғларда из қолдирганларга аёнроқ. Тобора олдинга интилиш, кўкка қўл чўзиш, биринчи бўлишга интилиш — одамзод учун табиий ҳол. Бундай жиҳатлар айниқса альпинистларда кўпроқ кўринади.

Етти минг метр, ҳатто ундан ҳам юқори чўққиларни забт этиш ҳар бир альпинистнинг мақсад-орзуси. Забткорларнинг Тянь-Шань тоғларига ошиқиб қолишгани ҳам шундан. Хонтангри ҳам Коммунизм, Ғалаба, Ленин ва Корженевская сингари энг баланд чўққилардан саналади. Республикамиз альпинистларини қизиқтириб қолган бу чўққига иккинчи бор кўтарилиш ғалаба келтирди.

Ўтган йили мамлакатимизнинг етти командаси альпинистлари «асов» чўққини «эгаллашга уриндилар. Лекин барча ҳаракатлар зое кетди. Ўзбекистонликлар ҳам 6000 ва 6500 метрдан юқори кўтарила олмадилар. Аммо совет альпинизмининг 50 баҳори нишонланган юбилей йили йигитларимизга омад келтирди.

— Узоқдан қумушдек товланиб турган Хонтангрига ҳужумни Чонтош орқали марказий Тянь-Шаннинг Инилчек музлигига юришдан бошладик, — деди экспедиция бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган тренер В. Элчибеков. Чўққига ҳали ҳеч ким қадам қўймаган томондан сўқмоқ солишга тўғри келди. Группаларга бўлинган ҳолда қоянинг шарқий қовурғаси бўйлаб юқори кўтарилдик. 6995 метр баландаги чўққини забт этиш, сирасини айтганда осон бўлмади. Юқори кўтарилган сари бир қадам илгарилаш ниҳоятда машаққатли ва хавфли бўла борди. Атрофдан қараганда экспедициямиз аъзолари қор қоплондай ўрмалашарди. Айниқса, 5 минг метрдан бошлаб қори кетиб, музи чиққан қоялардан юриш ўзи бўлмади. Лекин йигитларимиз ниҳоятда пухта тайёргарлик кўрганликларини амалда исботлашди. Улар чидам ва бардош, юксак интизом ва уюшқоқлик жиҳатларини намойиш эта билдилар. Юксак ирода ва чидамлилик бўйича имтиҳондан муваффақиятли ўта олганликлари учун ҳам кимсасиз баланд чўққида ғалаба нашидаси сурилди.

Ўзбекистоннинг забткорликка меҳр қўйган 13 нафар альпинисти қийин, аммо шарафли йўлда матонат кўрсатиб, Тошкентга ғалаба билан қайтди. Альпинистларимизнинг муваффақияти республикамиз спорт ҳаётида йирик воқеалардан бири бўлди.

Яқинда республика спорт комитетига яна бир группа альпинистлардан хушхабар келди. Мамлакатимизнинг энг баланд тоғларидан ҳисобланган Помирдаги В. И. Ленин номли чўққи забт этилган эди. Денгиз сатҳидан 7134 метр баланддаги қояни бу сафар Ўзбекистонлик спартакчилар спорт мастери А. Шабанов раҳбарлигида эгаллашди. Забткорларимизга янада баландроқ чўққиларни эгаллашларида муваффақият тилаймиз.

Ҳ. НОСИРОВ.

Суратда: Хонтангри чўққисини забт этган альпинистлар: (пастки қаторда чапдан) В. Воронин, экспедиция бошлиғи В. Элчибеков, А. Лябин, К. Люман, В. Блонийский, Н. Хоренко. Юқорида Х. Яхин, Л. Громов, В. Лукин, В. Финк, А. Путишчевлар.
А. Тургунов фотоси.

УЛКАН МАГИСТРАЛ

Қўнғиротда Ўрта Осиё темир йўлининг Қорақалпоғистон бўлими деб аталган янги бўлим тузилди. Шу тўққизинчи бўлимга 500 километрдан ошиқ пўлат магистрал кирди. Шунинг 408 километри Қўнғирот — Бейнов янги йўли бўлиб, Устюртни жанубдан шимолга кесиб ўтди.

Ҳозир бу ерда товар ва пассажир поездлари тинмай қатнаб турибди. Ўрта Осиёдан марказий районларга ўтадиган шу иккинчи темир йўл орқали нефть, пахта тойлари, сабзавот, қовун-тарвуз, минерал хом ашё, балиқ, консерва ташила бошланди. У ёқдан эса пармалаш станоклари, газ қувурлари, тракторлар, фабрика ва заводлар учун машина ускуналари келтирилмоқда. Туркманистон билан Тожикистон аҳолисининг Москвага қиладиган сафар вақти 18 соат қисқаради.

Бу йўл Устюрт ясси тоғлиги орқали ўтганлиги учун ҳам жуда қизиқарлидир.

Пўлат магистрал тарихи кўп қисмлардан — йўл, алоқа системаси, локомотив, вагон ва пассажир хўжалиги, темир йўлчилар уй-жойи ва бошқа кўп нарсалардан иборат бўлади. Қўнғирот — Бейнов трассаси йўлдан фойдаланадиган ва йўлда хизмат қиладиган кишилар тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилинганлиги билан ҳайратда қолдиради.

Бу ерда поезд ҳаракатини марказий пунктда турган битта диспетчер бошқаради. 408 километрли бутун йўл 6 янги станция зоналарига ва 12 разъездга бўлинган. Қўнғирот билан Бейнов станциялари бундан мустасно. Ҳар бир станцияни кичик бир шаҳарча дейсиз.

Устюртда станция қуриш осон гап эмас. Дастлабки дамларда бу ерда эксплуатация этиш ходимларининг яшаши ҳам осон бўлмайди. Бу нарса олтита станциянинг лойиҳасида назарда тутилди. Станциялар ягона бир лойиҳа бўйича қурилди. Вокзални олайлик. Унинг биноси ойна билан бетондан тикланган. Залари кенг. Ҳаракат хизмати, пассажир хизмати, сигнализация ва алоқа хизматлари шу ерда. Темир-бетон плиталардан ишланган катта перрон неча юзлаб пассажир ва кузатувчиларни сиғдира олади. Люминисцент чироқлар, металл панжара ва мармар, пластика билан сайқал берилган деворлар... неча юз метр нарида юзлаб километрга чўзилган ҳаётсиз чўл бошланишига ишонгингиз келмайди.

Станцияларда қурилган икки қаватли уй-жой корпуслари ҳар қандай шаҳарга ҳуснқўша олади. Мактаб, болалар боғчаси, алоқа уйи, савдо маркази шу ерда. Канализация тармоғи бўлган махсус тозалаш иншоотлари қурилган. Электр линияси, подстанция, иссиқлик трассаси билан қозонхона бор. Қулайликларнинг ҳаммасини санаб адо қилиш қийин. Ҳаммаси пишиқ-пухта қилиб ясалган.

Станция ёнида Ўрта Осиё—Марказ газ қувурини ишлатувчилар посёлкаси жойлаштирилган.

Устюртда яшаш ва ишлашга сув керак. Сув аввал юзлаб километрдан ташиб келтирилар эди. Бу проблема ҳам узил-кесил ҳал этилган. Қўнғиротда қурилган циклопик иншоотдан шимол сари магистрал қувур ариқ тортилган, бу қувур 600 километргача чўзилади. Биологик ва кимёвий ишлов берилган тоза дарё суви бутун магистралдаги кишиларни сувга қондириб турибди. Уч ҳаёт магистрали—қувурариқ, газ қувури ва темир йўл бир-бирларига ёнма-ён бориб, бир вақтлар ҳаётсиз Устюртни ўзлаштиришда бир-бирларига ёрдам бермоқда.

А. ПОКОТИЛОВ,
Ўзбекистон Информация агентлигининг махсус мухбири.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Ангренлик Турғун Ҳасановнинг номи кончилар ўртасида ҳурмат билан тилга олинади. Тажрибали шахтёр 13 йилдан бери «Ўзбекуголь» трестининг 9- шахтасида меҳнат қилиб келмоқда. Коммунист кончи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ангрен шаҳар меҳнат. кишлари Советининг депутати ҳамдир. Кўпчилик унинг меҳнатидан, тажрибасидан баҳраманд. Суратда: Т. Ҳасанов онла даврасида.
Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

МЕХАНИЗАТОРЛАР ОТРЯДИ

Наманган областининг Поп районидаги «Поп» совхози миришкорлари бу йил пахта ҳосилининг қарийб 95 процентини машиналар ёрдамида теришга аҳд қилишган. Машина теримига катта эътибор бераётган совхоз маъмурияти механизаторлар отряди сафини кенгайтириш ҳам аҳамият берди. Шу йил баҳор кезлари ташкил этилган механизаторлар тўрт ойлик курсини совхознинг 32 йигит-қизи муваффақиятли битказиб, бугунги кунда «зангори кема» штурвалини тутишга шай бўлиб турибди. Шунинг дек. Марказий Фарғонадаги «Гулбоғ» совхозида очилган механизаторлар курсини 35 бш битириб чиқди. Бу совхоз етиштирилган ҳосилнинг 97 процентини машина билан теришга ҳозирлик кўрмоқда.

Б. МАҲМУДОВ.

САККИЗ ОЙДА

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун астойдил ҳаракат қилган мўйноқлик бинокорлар зафар қучишди. 166- қурилиш трестининг Мўйноқ қурилиш участкаси коллективи 19 август куни йиллик план бажарилгани ҳақида рапорт берди. Бинокорлар 784 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Ўтган ойлар мобайнида бир меҳмонхона, 320 ўринли оромгоҳ, умум майдони 690 квадрат метрга тенг турар-жой биносини қуришди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу кунларига нисбатан 40 процент кўпайди.

Қ. САРСЕНБОЕВ.

Редакциямизга, шунингдек, ҚҚАССРдан Ҳ. Отамуродов, андижонликлар А. Вахобов, Б. Бобожонов, Б. Зокиржонов, С. Мўйдинов, Хоразм областидан С. Бобожонов, Фарғона областидан М. Турдиалиев, Ш. Шарипов, Т. Ияминов, бухоролик Т. Ҳикматов, Н. Лутфуллаев, Р. Неъматов, С. Тўраев, қўқонлик Қ. Мадумаров, самарқандлик Э. Қурбонов, А. Ашуров, Х. Саматов, тошкентлик О. Убайдуллаев, жиззахлик Ш. Зокиров, ангренлик Н. Аҳмедов, гулистонлик Н. Зарипов, одматалик Г. Маралбоев, наманганлик Т. Сулаймонов, оддий солдат Г. Раҳимбоев, чимкентлик А. Наметов ва бошқалар ҳам қизиқарли хабарлар йўллашган.

ЎЗБЕКИСТОН — МАМЛАКАТГА

МЕВАЛАР ЙЎЛДА

Ўлкамизда айни пишиқчилик. Фарғона, Андижон, Сирдарё, Қашқадарё ва Тошкент области боғлари, узумзорлари ва полизларида етиштирилган ноз-неъматлардан мамлакатимизнинг турли шаҳарларида яшовчилар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Яқинда мазкур областларнинг хўжаликларида етиштирилган қовун-тарвузлардан қарийб 20 минг тоннаси Узоқ Шимол, Москва ва Ленинградликларга юборилди.

Бу ишда Наманган областининг Ўйчи район тайёрлов пункти ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Сабзавот ва мева етиштириш планини ортиғи билан бажарган уйчиликлар минг тоннадан кўпроқ ноз-неъматлар ортилган вагонларни Красноярск, Монголия Халқ Республикасига жўнатдилар.

Қ. ТУРАЕВ,
М. ЗАБИХИЛЛАЕВ.

ТЕЛЕФИЛЬМЛАР КЎРИГИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг мажлислар зали шу кунларда одатдан ташқари одамлар билан гавжум. Тошкентда шу йилнинг 10 сентябридан 21 сентябригача V Бутуниттифоқ теелевизион фильмлар фестивали ўтказилади. Ана шу катта анжуманни муваффақиятли ўтказиш, меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, уларнинг унумли ишлашлари учун шароит яратиб бериш, умуман фестиваль билан боғлиқ ҳамма масалалар шу ерда муҳокама этилиб, ҳал қилинади. Мухбиримиз фестиваль ташкилий комитетининг раиси Ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов билан учрашиб фестиваль ҳақида суҳбатлашди.

Иттифоқимизда қизғин ижодий фаолият кўрсатиб, томошабинлар диди ва талабига мос, замонамизга хос ранг-баранг мавзуларда фильмлар яратаётган телевизион лента лар ижодкорлари ҳамда студияларининг обрў ва эътибори тобора ошиб бормоқда. Дўстлик, тинчлик, санъат шаҳри деб танилган кўркам Тошкентимизда ўтказиладиган телефильмлар фестивали саноқ жиҳатидан бешинчи кўрикдир. Иттифоқ миқёсида ўтказилиб келинаётган телефильмлар кўриги анъанага кўра ҳар икки йилда бир марта бўлиб, белгиланган шаҳарларда ўтказилади. Москвада бошланган бу кўрик Ленинграда, Киевда, Минскда давом этди. Энди навбат Тошкентга.

Тошкент фестивали бошқа фестивалларидан фарқ қилади. Бунда ҳамма иттифоқдош республикалар телефильм студиялари қатнашади. Мамлакатимизнинг энг йирик тўқиш «киностудияси ижодкорлари томонидан ишланган телевизион лента лар ҳам кўрик кунлари намойиш этилади. Булар орасида «Мосфильм», «Ленфильм», Довженко номли, «Ўзбекфильм» каби ижодий коллективлар бор.

V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали ташкилий комитетининг саралаш группаси икки юзга яқин фильмлардан 107 тасини танлаб олди. Булар орасида оқ-қора ва рангли лента лар бор. Шуниси характерлики, олдинги фестивалларда рангли фильмлар намойиш этилмаган эди.

Фестивалга тақдим этилган фильмларни баҳолаш, энг яхши ленталарни мукофотлаш ҳуқуқи эътиборли жюри ҳайъатига ҳавола этилган. Булар орасида таниқли санъат арбоблари — СССР халқ артистлари Малик Қаюмов, Галия Измайлова, Грузия ССР халқ артисти, кинорежиссёр Резаз Чхеидзе, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Леонид Косматов, СССР композиторлар союзининг секретари Аҳмад Жабборов, Белоруссия ССР комсомоли мукофотининг лауреати Игорь Лученок ва бошқалар бор. Улар фестиваль фильмларини уч жанрда — ҳужжатли, бадиий ва музикали-концерт жанрларида алоҳида-алоҳида кўриб, баҳолайдилар.

Фестивалда юқори баҳо олган лента лар ва ижодкорлар жюри ҳайъатининг ўн уч совринни ва дипломлари билан тақдирланади. Бундан ташқари кўпгина жамоат ташкилотлари ҳам ўз совринларини, эсдалик совғаларини ғолибларга топширадилар.

V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали Тошкентдаги Округ Офицерлар уйида тантанали равишда очилади. Жойларга оқ-қора ва рангли телевизорлар ўрнатилиб, бир йўла фильмлар намойиш этилиб турилади. Ҳаммаёқ байрам либосида безатилади. Шунингдек, республика телестудияси ҳар куни мунтазам равишда кўрик фильмларини кўрсатиб боради. Демак, мазкур фестиваль оммавий тусда ўтади. Фестиваль А. Навоий номидаги опера ва балет Катта театри биносида ёпилади.

Тошкент фестивалида тўрт юзга яқин киши қатнашади. Шунингдек, иттифоқдош республикалардан, мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидан ҳамда қорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар келади.

Фестиваль программасига кўра кўрик қатнашчилари жойларда суҳбатлар, ижодий учрашувлар ҳам ўтказадилар. Филм ижодкорлари томошабинлар билан юзма-юз учрашиб, ўзаро фикр алмашадилар.

Бошқа студиялар қатори «Ўзбектелефильм» студияси ҳам фестиваГга ўзининг энг яхши лента лар ини—«Совет Ўзбекистони», «Шашмақом», «Мовий осмон остида», «Гулнора», «Тўқувчи», «Али Қамбарнинг афсонавий сози» каби фильмларини тақдим этади.

Умуман, Тошкентда ўтадиган Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали республикамиз маданий ҳаётида унутилмас катта воқеа бўлиб қолади. Бундай ажойиб воқеалар халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, меҳр-оқибат ва миллий маданият равнақини янада мустаҳкамлайди, юксалишига улкан ҳисса қўшади.

ҚИЗИЛҚУМ ХАЗИНАСИ

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бухоро — Навоий (Қизилқум) районининг ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантиришга катта аҳамият бериб, шу районни ишлаб чиқариш — территориал комплекс сифатида янада ривожлантириш имкониятларини ўрганиш учун кўпдан-кўп илмий муассасалар, лойиҳалаш ташкилотлари ва ишлаб чиқариш ташкилотларини жалб қилган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташаббусини ижобий баҳолади».
(Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қароридан).

Катта бир жилд қилиб йиғилган мана шу тадқиқотлар неча юз саҳифа, диаграмма ва жадвалларидан иборат бўлиб, турли соҳадаги олимлар ва ишлаб чиқарувчилар коллективининг уч йиллик катта меҳнатини акс эттиради. Ҳозир бу жилд Қизилқум чўли ва атрофидаги районларнинг келажагини планлаштириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг дастур китоби бўлиб қолди. Бундан ярим аср аввал барча географик ҳариталарда бу ўлка катта бир сариқ бўёқ билан ажратиб кўрсатилган — ўша вақтларда бу ерларга одам оёғи қарийб етмаганди, дейиш мумкин. Чўлнинг чеккаларидагина оғзина қоракўл қўй подаларини кўриш мумкин эди. Эндиликда шу Қизилқум Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда катта бир иқтисодий комплекс бўлади.

— Қизилқум райони республикадаги беш иқтисодий райондан учинчи бўлиб бундай муфассал ва илмий асосланган перспектив ривожланиш программасига эга бўлди, — деди шу ишнинг қатнашчиларидан бири иқтисод фанлари кандидати Е. Н. Фаттохон. — Шунгача олимлар Фарғона водийси билан Оҳангарон — Олмалиқ районларини ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этишган эди. Қизилқум тадқиқотчилари ва ишлаб чиқарувчиларнинг эътиборини йил сайин кўпроқ жалб қилиб бораётганлиги тасодифий ҳол эмас. Қизилқум остида ётган беҳад бойликлар саноатнинг кўпгина соҳаларини ривожлантиришга хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Қизилқум яқиндагина — ўн беш йилдан буёнгина геологик жиҳатдан синчиклаб тадқиқ этилмоқда, лекин шу вақт ичида бу ерда 50 та кон топилди ва 60 дан ортиқ турли фойдали қазилма нишоналари очилди. Ҳозирча шуларнинг асосийси олтин билан табиий газдир. Лекин Қизилқумнинг очилмаган хазиналари ҳали кўп. Бу ерда темир, қалайи, симоб, боксит, мис вольфрам, қўрғошин, никель ва бошқа рудалар бор экан. Металмаслардан олтингугурт, кальцит, оптик кварц, фосфорит, каолин, графит, гипс, асбест, корунд, волластонит топилди. Геологлар бу ерда неча ўнлаб феруза конларини, шунингдек ҳалцедон каби безак тошларини ҳам топишди.

Чўлда кон кўп-у, лекин сув йўқ. Шунинг учун олимлар бу ерда сувни эмас, балки энергияни кўп истеъмол қиладиган саноат соҳалари ва металлургияни ривожлантиришни таклиф қилишмоқда. Чўлда энергия ҳисоблари ҳадсиз, ҳисобсиз, бу ерда 2-3 та газ кони топилди, шу беш йилликда яна еттита газли кон ва бешта нефть-газли конни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу нарса келажакда арзон ёқилғи қазиб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтиришга имкон беради. Газ ГРЭС турбиналарини айлантиради ва химия саноати корхоналари учун хом ашё етказиб туради.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида шу ўлкада қазилган ариқлар ва сув омборлари мавжуд экинзорларни сувга сероб қилди ва 150 минг гектар қўриқ ер ўзлаштиришга имкон берди.

Ҳозир тупроқшуносларнинг Бухоро— Навоий районида сугоришга яроқли яна 20 минг гектар ер топишди. Олимларнинг фикрича, Сибирдаги дарёлар сувининг бир қисми Ўрта Осиёга оқизилса шу ерларни ўзлаштириш мумкин бўлади. Дастлабки лойиҳага кўра Сибирь канали Казалинск районида Сирдарёни ва Тўрткўл районида Амударёни кесиб ўтади ва шундай қилиб Қизилқумга обиҳаёт келтиради.

Қизилқум районида саноат қўламидаги қоракўлчилик яна ривож топади. Ер ости сувлари ҳисобига сугоришни ташкил этиш бу ерда истиқболли кўринятпи. Қумтепалар остидаги тикланиб турадиган сувли горизонтлардан секундига 10 куб метр — 30 минг гектар ерда маданий яйлов вужудга келтириш учун етарли сув олиш мумкин. Бу ерда гектар бошига 30 центнердан — ҳозиргидан беш баравар кўп озуқа етиштириш мумкин. Олимларнинг фикрича, чўлга сув чиқариш йўли билан озуқа базасини кенгайтириш натижасида қоракўл қўй тўёгини 1.5—2 баравар кўпайтириш мумкин.

Ҳар йили Қизилқум районига тахминан беш минг киши кўчиб келмоқда ва у яқин келажакда гавжум бўлиб кетади.

Ю. ЮДИН,
ЎзТАГ мухбири.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ФУТБОЛ КАЛЕНДАРИДА ЎЗГАРИШ

Жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган совет терма командасининг 26 сентябрда Чили футболчилари билан ўтказадиган саралаш учрашуви мусобақа билан мамлакат биринчилиги календарига бироз ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 23 сентябрга мўлжалланган тур октябрь ойининг иккинчи ярмида ўтказилади: 20 октябрда «Динамо» (Тб) — «Спартак», «Днепр» — «Заря», «Динамо» (М) — «Торпедо» ва «Карпат» — «Динамо» (К) учрашувлари бўлади. 21 октябрда эса «Арарат» — «Динамо» (Мн), «Қайрат» — ЦСКА, «Пахтакор» — «Зенит», «Шахтёр» — СКА учрашувлари ўтади. 20-21 октябрга мўлжалланган учрашувлар ноябрь ойининг бошларида бўлади. 1-ноябрда «Динамо» (М) — «Шахтёр», «Торпедо» — СКА, «Зенит» — «Динамо» (Тб), «Пахтакор» — «Динамо» (К), «Қайрат» — «Заря» учрашувлари ўтказилса, эртаси куни «Динамо» (Мн) — «Днепр», ЦСКА — «Арарат», «Спартак» — «Карпат» ўйинлари бўлади.

«ЎЗБЕКИСТОН БЕШ ЙИЛЛИГИ» — ФИНАЛДА

Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхози футбол командасининг республика «Оқ олтин» кубоги учун кураш да муваффақият нозонгани ҳақида хабар қилгандик. Совхоз футболчилари қишлоқ командалари ўртасида ўтказилаётган Бутуниттифоқ «Олтин бошак» совринни зонал мусобақаларида ҳам ғалабани қўлга киритдилар. Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон командалари ўртасида давом этган бу мусобақаларда совхоз футболчилари учта учрашув ўтказишди. Улар қозоғистонлик тенгқурларини 1:0, тожикистонлик футболчиларни 2:0 ҳисобида ютиб, арманистонликлар билан очколарни баҳам кўришди. Шундай қилиб, «Олтин бошак» совринни финалга бериладиган кўш йўлланма тақдири ҳал бўлди. Бештадан очко жамларган Ўзбекистон ва Арманистон вакиллари финалга чиқишди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Бугун — Таничилар куни. 10.00 — Мультфильм. 10.20 — Болалар учун телетеатр. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Бугун Таничилар куни. Бронетанк қўшинлари маршали А. Х. Бабажанянинг чиқиши. 13.00 — Музикали киоска. 13.30 — Спорт кўрсатуви. 14.00 — Санъат усталари концерти. 14.45 — Спектакль. 15.50 — Адабий учрашувлар. Агния Барто. 16.35 — Қишлоқ янгиликлари. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Мультфильм. 17.50 — «Колокольчик» клуби. 18.25 — Эртага — Бутуниттифоқ телефильмлар фестивали очилади. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Телеминиатюралар (такрорий кўрсатув). 19.40 — Ахборот. 20.00 — Халқаро панорама (Москва). 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — «Вақт». 22.30 — Пахта терими кундалиги. 22.45 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — **ТОШКЕНТ.** Ўқув кўрсатуви. 10.30 — Қўғирчоқ фильм. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — **Давр, олга бос** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 17.35 — МОСКВА. Мультфильмлар. 18.05 — Концерт. 18.30 — **Киносаёҳатчилар илуби.** 19.30 — Концерт. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — **Трибунал** (спектакль). 22.00 Киноэкран янгиликлари. 22.20 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. 22.35 — Спорт кўрсатуви. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.35 — **ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IX да **Парвоз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/IX да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Решма ва Шера; Шахсий уйингиз — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Бошсиз чавандоз — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (12.00, 17.00, 19.00), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 20.00, 21.45).

Михай ботир (2 серия)— «СПУТНИК» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00).

Тасодифий адрес — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (11.00, 15.00 19.00, 21.00).

Бўғиздаги тош (10.30, 15.00, 19.30), **Ҳур қизлар** (12.00, 16.30, 21.00), — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30), НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.00, 20.20).

Қора сингглим учун оқ гуллар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Қонун қонунлигича — «ТОШКЕНТ СОВЕТИННГ 50 ЙИЛЛИГИ» (21.45).

Таҳқиланган муҳаббат — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00, 19.00, 21.00).

Моррисвилль қалъасидаги шарпа — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурин).

Мессе фермасининг сири — «СПУТНИК» (20.00, 22.00).

Комедиантлар — «ЧАЙКА» (14.00 20.45).

ЕЗГИ БИНОДА

Тасодифий адрес — «ФЕСТИВАЛЬ».

Михай ботир — «ХИВА».

ОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳар ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари ов қилиш

ТАҚИҚЛАНАДИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Урмончилик бўйича Давлат комитети.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Педиатрия бўлимининг мудири (медицина фанлари доктори, медицина фанлари кандидати):

илмий-медицина ахбороти ва гастроэнтерология группаларининг катта илмий ходимлари (медицина фанлари кандидатлари);

бўлимларнинг кичик илмий ходимлари — ичак инфекциялари (2), гастроэнтерология (3), акушерлик ва гинекология бўлими, вирус-бактериология лабораторияси, янги туғилган чақалоқлар патологияси группаси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: 700095. Тошкент 95, 2-«Чимбой» кўчаси, Талант проезди, 3-уй.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ● ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

В. — № 212. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. — 17893.